O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил, 5 октябр | 36(209)-сон

**Ўткир ҲОШИМОВ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси**

## ЎЗИНИ АНГЛАШ МАСЪУЛИЯТИ

Республика Олий Мажлисига ташриф буюрган Германия парламенти аъзоларидан бири ғалати савол билан мурожаат қилгани эсимда. «Миллий тикланиш демократик партиясининг бош мақсади нима? Миллий тикланиш дегани мамлакатнинг туб аҳолиси — яъни ўзбек миллатининг манфаатини ҳимоя қилиш деган маънони англатмайдими? Ундай бўлса, бу — миллатчилар партиясига айланиб қолмайдими?»

Бизнинг мамлакатимиз, мустақил давлатимизнинг бош мақсади барча халқ ва миллатларнинг манфаатини бирдек муҳофаза қилиш. Бу тушунча Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам аниқ ифодаланган. Бинобарин, миллий тикланиш деганда биз фақат ўзбек миллатининг эмас, юртимиздаги барча халқ ва элатларнинг миллий қадриятларини ҳимоя қилишни назарда тутамиз. Бу фикрни оддий мисол билан исботлаш мумкин. Шўроларнинг тоталитар замонида черков ва синагоглар мачитлардан кўра камроқ вайрон қилингани йўқ. Ўз халқи ва умуман, инсон эрки учун курашган ва қурбон бўлганлар орасида собиқ совет мамлакатининг барча миллий фарзандлари бор. Ўзбекистон мустақиллиги ҳаммага ва ҳар кимга виждон эркинлигини берди. Вайрон қилинган мачит ва черковлар ўрнида янгилари барпо этилди. Юртимизда инсон цивилизациясига муносиб улуш қўшган алломалар номи миллатига қараб эмас, хизматига қараб улуғланиб келмоқда. Қисқаси, биз миллий тикланиш деганда фақат ўзбек миллатининг қадриятларини назарда тутмаймиз, балки умум Ўзбекистон халқи манфаатларини ифодалаймиз.

Партиянинг сайловолди ҳаракат дастурида унинг асосий ядросини зиёлилар ташкил этиши таъкидланган. Бироқ бу фикрни ҳам, менимча бир ёқлама англамаслик керак. Албатта, Миллий тикланиш партияси, аввало зиёлиларга таянади. Аммо у фақат ўқитувчи ва шифокорлар, олим ва ҳуқуқшунослар манфаатини ҳимоя қилади, десак, тўғри бўлмайди. Негаки, зиёли, деганда биз фақат қўлида дипломи бор мутахассисни англамаймиз. Қалбида нури бўлган ҳар бир одам зиёлидир. Ишчи ёки деҳқонми, ҳунарманд ёки тадбиркорми, бизнесмен ёки савдо ходимими... Шу боисдан ҳам, сайловолди ҳаракат дастурида Ватанимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида меҳнаткашларнинг барча қатламлари фаол иштирок этмоғи лозимлиги, бу хайрли йўлда партия барчага баравар имкон яратилмоғи учун, ҳалол меҳнат қилувчи ҳар бир инсон манфаати учун, ҳаракат қилажаги аниқ белгилаб берилган. Демократик жамият яратиш учун эса, аввало, шахс эркин бўлмоғи шарт. Шахс эркин бўлиши учун эса фикр эркинлигини таъминламоқ лозим. Назаримда, дастурда партиянинг сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги шу масалага оид вазифалари аниқ ва равшан ифодаланган.

Социал масалаларга келсак, менимча, дастурда бу масалага кўп жиҳатдан янгича ва замон талабларидан келиб чиқиб ёндашилган. Албатта, давлат аҳолининг кам таъминланган қатламларига ёрдам бермоғи лозим. Яъни бозор муносабатлари бировнинг беҳад бойиб кетиши бировнинг беҳад камбағаллашувига олиб келса, хоҳлаймизми-йўқми, омма ўртасида норозилик кайфияти туғилиши мумкин. Бироқ бу яна ўта эскича қарашга: берсанг еяман, бермасанг ўламан, мен бола туғавераман, керак бўлса, давлатнинг ўзи боқиб олади, қабилидаги боқимандалик кайфиятига сабаб бўлмаслиги керак. Бозор иқтисоди қоғозда эмас, амалда «ишламаган-тишламайди» деган шиор билан яшайди. Бошқа йўл йўқ! Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ сессияларида қабул қилинган Қонунлар, Кодекслар ва бошқа ҳужжатларда айни шу ғоя ўз ифодасини топди. Шу билан бирга қабул қилинган Қонун ва қарорларда жамиятимизда ижтимоий адолат устувор бўлиши, камхарж оилалар, қариялар, ногиронлар муттасил таъминлаб турилиши ҳам таъкид этилган. Собиқ шўролар теграсида биронта мамлакат йўққи, кексалик нафақалари биздагидек мунтазам ва ўз вақтида бериб турилган бўлсин! Бу далилни мен ҳамма ерда ёруғ юз билан айта оламан! Аммо билагида кучи, белида қуввати бор одам боқимандалик кайфияти билан яшаши мумкин эмас. Дастурда шу нозик ҳолат ҳам теран ифодаланган. Аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш керак. Шундагина жамият равнақ топади. Ёшлар ҳар турли оқимлар таъсирига берилмайди...

Иқтисодиёт соҳасидаги мўлжаллар ҳам дастурда аниқ, лўнда белгилаб олинган. Энг аввало экспортга маҳсулотлар чиқариш учун шароит яратиш, жон бошига маҳсулот етиштиришни жаҳондаги ўртача тараққий этган мамлакатлар даражасига етказиш мўлжалини олиш... Булар осон вазифалар эмас. Бироқ бизда бундай имкониятлар бор... Эсимда, бундан уч йил аввал Япония парламентининг раҳбарларидан бири жаноб Кумагай юртимизга ташриф буюрди. Мен у кишига ҳамроҳ бўлиб кўп вилоятларга бордим. Самарқанд туманидан ўтиб кетаётганимизда жаноб Кумагай ҳосилини кўтаролмай ларзонларзон бўлиб ётган шафтолизор олдида тўхташни илтимос қилди. Тўхтадик. Мен унга беш-олтита шафтоли узиб чиқдим. У эгасига ҳақини тўламай туриб, шафтолини ололмаслигини айтди. Бир амаллаб совға сифатида олишга кўндирдим. У туман раҳбари ким эканини сўради. Туман ҳокими аёл киши — Раҳима Ҳакимова эканини, бу аёл депутат эканини, туманда икки юз мингга яқин одам истиқомат қилишини, бу ерда катта корхоналар, кўп тармоқли шифохона борлигини айтдим. Шунда жаноб Кумагай қизиқ гап айтди. «Биз японлар бирон мамлакат билан ҳамкорлик қилишга шошилмаймиз. Аввал ўша мамлакат имкониятларини обдон ўрганамиз... Менга қолса Япония Ўзбекистон билан иккиланмасдан ҳамкорлик қилмоғи керак. Сабаби, биринчидан, сизларни юртингиз тинч, тараққиёт стабил йўлдан бораяпти. Иккинчидан, сизларда табиий потенциал катта. Ерости бойликлар кўп. Учинчидан, сизларнинг халқингиз меҳнатсевар халқ. Ва энг муҳими-ўзбек халқи қадимдан ўтроқ турмуш тарзига ўрганган. Ўтроқ халқда эса Ватан туйғуси кучли бўлади. Бу жиҳатдан японлар билан ўзбеклар бир-бирига жуда ўхшайди»... Менимча, бу гапларда теран ҳақиқат бор. Халқимиздаги ватанпарварлик туйғуси келажаги буюк давлат қуришимизнинг энг асосий омили, десак, муболаға бўлмайди. Мана шу туйғуни келгуси минг йилликда яшайдиган авлодга сингдириш Миллий тикланиш партиясининг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи керак. Бу нарса ҳам дастурда ўз ифодасини топган... Бунинг учун эса, ўзимиз кўп такрорлайдиган маънавият масаласига алоҳида урғу бермоқ керак. Албатта бу борада қилинган беқиёс ишлар ҳақида ўнлаб, юзлаб, минглаб мисоллар келтириш мумкин. Менга қолса, ўтиш даврининг мушкул дамларида айнан халқ маънавияти соҳасида амалга оширилган юмушлар энг катта ютуғимиз, деган бўлур эдим. Бўлажак халқ ноиби эса, қайси партиядан сайланишни мўлжалламасин, энг аввало маънавий баркамол инсон ва ўз юртининг ҳимоячиси бўлмоғи шарт! Бу гапни бежиз айтаётганим йўқ. Республика Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси сифатида қарийб беш йил ишлаш жараёнида турли ҳолатларга дуч келдим. Энг аввало, ҳаётимиз учун зарур Қонун лойиҳаларини яратишда шахсан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббускор бўлганини эҳтиром билан таъкидлашим керак. Бу Қонунлар бир томондан, жаҳон қонунчилик андозаларига мос бўлиши ва иккинчидан, уларда ўзбек халқининг ўзлиги, яъни менталитети ифодаланиши шарт эди. Ишонинг, бу осон юмуш эмас.

Қизиғи шундаки, беш йил давомида бир қатор таънаомуз саволларга жавоб беришга ҳам тўғри келди. Эмишки, бизда «демократия йўқ экан, Олий Мажлис сессияларида ҳар қандай Қонун лойиҳаси ҳайбаракаллачилик билан қабул қилинаркан».

Тўғри, сессияларда, айрим қўшни мамлакатлардаги каби жанжаллар йўқ. Бир-бирининг юзига сув сепиб юборишлар, муштлашувлар йўқ. (Шахсан менга қолса, минглаб одамлар сайлаган туппа-тузук, «зиёли» кимсаларнинг катта минбардан туриб бир-бирини ҳақорат қилишини ўта бемаънилик деб ҳисоблайман). Бироқ Ўзбекистон Олий Мажлиси сессияси муҳокамасига қўйилаётган масалалар сип-силлиқ ўтиб кетади, деган одам адашади. Энг «жанжалли» лойиҳалар аввал биринчи ўқишда қабул қилинди ва жамоат муҳокамасига ташланди. Барча фикрлар жамланиб, энг жўяли мулоҳазалар эътиборга олинди. Ақалли «Реклама тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси қандай тортишувларга сабаб бўлганини Матбуот ва ахборот қўмитасининг аъзолари Иброҳим Ғафуров, Хуршид Дўстмуҳамедов ва бошқалар айтиши мумкин. «Баҳс»лар қўмитада бўлди ва биз уни сессияга дов-дастгоҳ қилиб чиқмадик. Ҳамма бир тўхтамга келганидан кейин лойиҳалар сессияларга олиб чиқилди. Бинобарин, Олий Мажлис сессияларида барча масалалар хамирдан қил суғургандек силлиқ ўтади, дейдиганлар адашади. Улар бизнинг одатимизни, расмий тилда айтсак, менталитетимизни тушунмайди. Биз эса халқ ноибларининг ёқа бўғишиб, жаҳон жамоатчилиги олдида шарманда бўлишини хоҳламаймиз. Агар бунинг оти демократиянинг бўғилиши деб ҳисобланса, бунақа «демократия»нинг боридан йўғи афзал!

Бу гапни айтишдан мурод шуки, сайловолди курашларда ҳар бир фуқаро иштирок этиши, у ёки бу партия номидан, ташаббускорлик гуруҳи номидан ўз номзодини қўйиши мумкин. Бу — демократиянинг оддий қоидаси. Мен халқ ноиблигига номзодини қўйган бирон ҳамюртимизни камситмоқчи эмасман. Аммо бу йўлдаги кураш ҳалол ва Қонун доирасида бўлмоғи шарт.

Депутатликка номзод андишали ва айни пайтда чуқур мантиқ эгаси бўлмоғи, қайси партиядан сайланишни умид қилмасин, ориф ва виждонли Инсон бўлиши, мен сайловчиларим ишончини оқлай оламанми, зиммамга юкланган вазифани адо этоламанми, эртага сайловчиларим олдида, мустақил Ватаним олдида ноқулай вазиятга тушиб қолмайманми, ва ниҳоят мен ўзим кимман, деган саволларни виждони олдига қўймоғи шарт! Ҳолбуки, ўзгаларга баҳо беришдан кўра ўзини баҳолаш анча оғир...

Мустақилликнинг саккиз йили ичида Ўзбекистон дунёга танилди. Тараққиётнинг ўзбекча модели деган тушунчани жаҳон эътироф этмоқда. Инсоф билан айтганда, камдан-кам мамлакатгина қисқа даврда шундай эътирофга сазовор бўлади. Аммо бир нарса бошқалар қатори мени ҳам кўп ўйлантиради. Дуруст, жаҳон-ку, бизни таниди, бизнинг ютуқларимизни эътироф этаяпти. Бизчи? Ўзимизни ҳар тарафлама теран англаб етдикми? Истиқлол моҳиятини керакли даражада тушундикми?.. Ҳазрат Навоийнинг донишмандона сатрлари ёдга тушади. «Эл нетиб топгай мениким, мен ўзимни топмасам!» Юртимизда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро, ўзини ҳурмат қиладиган ҳар бир инсон аввало ўзини англаб етиши керакмикин... Миллий тикланиш демократик партиясининг бош шиори ҳам, сайловолди дастурининг туб моҳияти ҳам шунга даъват этади...

## ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ

### ЎзМТДП ПЛЕНУМИ

***29 сентябрда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий ҳайъатининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум сайловларга тайёргарликда ҳайъатнинг вазифаларини кўриб чиқди, партиянинг II қурултойини 1999 йил 12 октябрда ўтказиш ҳақидаги қарорини тасдиқлади, қурултойда кўриладиган масалаларни маъқуллади.***

Улуғ мақсад одам боласига фавқулодда бир куч-қудрат беради. Ўша мақсадга қаттиқ, жуда қаттиқ интилган сайин томирлари кенгайиб, қон ҳаракати тезлашаётгандек, тозараётгандек, ўзи яшараётгандек бўлади. Айниқса, бу мақсад бутун бир миллат тақдирига туташ бўлса; айниқса, бу мақсад Ватан армонлари, орзуларига боғлиқ бўлса; Юракларимизга Озод Ўзбекистонда озод яшамоқ мақсади ўрнашгандан шундай бир ўзгариш бошлангандай. Шу мақсадга элтувчи ҳар янги сўқмоққа тушганимизда бу ўзгариш яна ҳам шиддатли кўриниш олади. Қийналиб, яхши кўриб, ўзимиз ишониб босаётган қадам товушларимиз юракларимизнинг «гурс-гурс» уришига монанд фақат ўзимизга эмас, ўзгаларга ҳам сезилади.

1999 йил 5 декабрда Олий Мажлис, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари депутатлиги, 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Президенти сайлови бўлиши ҳақидаги қарор бизда ана шундай бир ўзимизга ҳам, ўзгаларга ҳам сезилаётган руҳий, фикрий ўзгариш, кўтарилишни бошлаб берди.

Дунёда яхшиликларга қарши чиқувчи ёвузликлар талайгина. Ана шундай ёвузликларнинг энг ёмонларидан бири — алдов, ёлғон. Бу ёвузлик аста-аста тушунчалар моҳиятини ўлдира боради. Одамлар кўз олдида ўша тушунчаларни ифодаловчи муқаддас сўзларни жонсизлантиради. Одамлар кўриб, эшитиб турса ҳам уларни севмайди.

Шўро тузумида катта алдовлар, катта ёлғонлар — ана шундай ёвузликлар қилди, қотилликлар қилди. Улар жуда кўп сўзлар қатори демократиянинг жон томирларидан бири бўлган «сайлов» сўзини ҳам ана шу ҳолатга — туссиз, шакл-шамойилсиз ҳолатга келтириб ташлади. Шўро ёлғон баҳайбат бир махлуқ кўринишини олган 80-90-йилларда одамларга кимни қаерга сайлаши бари бир бўлиб қолган эди. Қутиларга ташлаётган қоғозлардаги ёзувларга аксарият пайтларда мутлақо қарамасди ҳам. Чунки бу қоғозларнинг ўйинчоқ эканини фаҳмлар эди. Ўшандан буён эндигина тўққиз йил ўтаяпти. Тўққиз йил жуда кўп вақт эмас. Бунинг устига руҳиятдаги жонсизлик жисмдаги беҳолликдан ҳам кўра секинроқ тикланишини ҳисобга олсак, бу тўққиз йил бор бўйи-эни билан яна бир карра кўринади. Шундай экан, олдимизда турган ҳар иккала сайлов бу ҳодиса, бу жараённинг фаол қисмидан жуда катта масъулият, жуда катта адолат, жуда катта ҳақиқат ва виждонлилик талаб қилади.



Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Тошкент шаҳар кенгаши конференцияси ўз кун тартибига қўйган барча масалаларга ана шу талаб мезони билан ёндашди. Бир қараганда, конференция сокин, анъанавий бошланди. ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси И. Ҳ. Абдуғаниев анжуманни очди, ишчи ҳайбат сайланди. Кун тартиби эълон қилинди. Асосий масала ЎзМТДПнинг Олий Мажлис ва ва Президентликка сайловлар олдидан ҳаракат дастури (платформаси)ни муҳокама қилиш тасдиқланди. И. Ҳ. Абдуғаниев мазкур конференциягача бўлган даврда партиянинг Тошкент шаҳар, туман кенгашлари ишларига таҳлилий, танқидий бир нигоҳ билан муносабат билдирди. Галдаги вазифаларни санади. Асосий иш — партиянинг сайловларга тайёргарлик масаласига келганда нотиқда ҳам, тингловчиларда ҳам ўзгариш бошланди.

**Давоми иккинчи бетда**

## Бир ўқ атрофида айланар дунё

### ЁРДАМ ДАВОМ ЭТАДИ

Халқаро валюта жамғармасининг ижрочи директори Мишель Камдессю Америка банкларида Россия пуллари сақланаётгани тўғрисидаги тўполонларга қарамай, ХВЖ Россиядаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда давом этишини маълум қилди. Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки акциядорларининг Вашингтонда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида сўзга чиққан М. Камдессю, ХВЖнинг Россиядек буюк мамлакатдан юз ўгириб кетишга умуман ҳаққи йўқ деб, таъкидлади. «Иқтисодиётда жонланиш юз бермоқда, август инқирозидан кейин бошланган ислоҳотлар олдинга силжиди», — деди у. ХВЖ раҳбари Жамғарма Россия билан етти йилдан буён ишлаётганини ва 4,5 миллиард доллар миқдорида кредит беришни ўз ичига олган ислоҳотларга ёрдам кўрсатиш дастурини тўхтатмаслигини қайд этди. Шунга қарамай, яқинда АҚШ Конгресси томонидан ташқи давлатларга ёрдам тўғрисида қонун лойиҳасини қабул қилиниб, унда Россия ва МДҲнинг бошқа давлатларига молиявий ёрдам ҳажмлари анча қисқартирилди. Мазкур ҳужжатда собиқ иттифоқ давлатларига ёрдам ҳажми 750 миллион доллар, яъни дастлабкисидан 250 миллион доллар камроқ миқдорда белгиланди. Жумладан, Россияга 187 миллион доллар ажратиладиган бўлди.

### ЖИДДИЙ НОРОЗИЛИК

Форс кўрфазидаги Ироққа келаётган савдо кемалари АҚШ қуролли кучлари томонидан текширилаётгани муносабати билан Бағдод маъмурияти ўз норозилигини билдирди. Бу ҳақда Ироқ ташқи ишлар вазири Муҳаммад Саид ас-Саҳҳофийнинг БМТ Бош котиби Кофи Аннанга юборган хатида айтиб ўтилди. АҚШ флоти томонидан Форс кўрфазида қўлланилаётган номақбул усуллар ташвиш уйғотмоқда, деб таъкидланади хатда. Уларнинг мақсади мамлакатга келаётган инсонпарварлик ёрдамларини умуман киргизмаслик ёки ушлаб туришдан иборат. Хусусан, мактубда айтилишича, америкаликлар 28 август куни Хитой кемасини ушлаб текширишган. Кемада «Нефтни озиқ-овқатга айирбошлаш» дастури доирасида сотиб олинган куч генератори ва шатакчи бор эди. Шунингдек, АҚШ ҳарбий денгиз кучларининг кемалари Дания кемасини ҳам Ироқ ҳудудий сувларига киришдан аввал роса элак-элак қилишган. Кема юқоридаги дастурга кўра, Филиппиндан Ироққа 3000 тонна дуккакли маҳсулотлар келтираётган эди.

### НОМЗОДГА СУИҚАСД

Украина Президенти лавозимига номзод Наталья Ветринкога суиқасд уюштирилди. Украина ички ишлар вазирлиги манбаларидан олинган маълумотларга кўра, Н. Ветренко Днепропетровск областининг Ингуленц районида сайловчилар билан учрашаётган залга портловчи қурилма ирғитилган. Номзод жароҳат олиб, шу ердаги район шифохонасига ётқизилган. Норасмий маъумотларнинг тасдиқлашича, жиноятчилар ушланиб, уларнинг шахси аниқланмоқда.

### ҚЎШИНЛАР ҲАРАКАТИ БОШЛАНДИ

Россия Федерал кучлари Чечанистон ҳудудининг ичкари қисмига ҳужум бошлади. Ички ишлар бўлинмалари чечен қишлоғи Бороздиновкани эгаллаган. У Доғистоннинг маъмурий чегарасидан 3 километр узоқликда жойлашган. Россия ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, Ставропол ўлкасидаги бронетанк бирлашмалари Чечанистоннинг ичкарисига 15 километр ёриб кирган. Грозныйдаги манбалардан олинган, аммо расман тасдиқланмаган хабарларга кўра Россия қўшинлари бошқа ҳудудларда ҳам ҳаракат қилаётир.

**«Туркистон-пресс»**

## ҚАЛБЛАР ТУТАШДИ

Якшанба куни Германия бирлашганининг 9 йиллиги, ГФР ташкил топганлигининг 50 йиллиги ва Берлин девори қулаганининг 10 йиллиги муносабати билан ГФРнинг фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Райнхарт Биндзайл ва Барбара Биндзайл хоним қабул маросими ўтказдилар.

Маросим чоғида Эссен шаҳрининг «Шубертбунд» хори, Тошкент Давлат консерваториясининг симфоник оркестри, хори ҳамда АҚШ санъаткорлари биргаликда концерт берди. Концертда буюк Гёте асарига басталанган музика, Людвиг Бетховеннинг «Шодлик қасидаси» симфонияси ва бошқа асарлар юксак маҳорат билан ижро этилди, жамоатчиликнинг тинимсиз олқишларига сазовор бўлди. Концерт халқларимиз қалблари бир-бирига нақадар мустаҳкам пайванд бўла бошлаганлигини намойиш этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ва жамият қурилиши академиясининг катта муҳташам залидаги тантанали маросимда элчи доктор Биндзайл жаноблари, академия ректори, профессор Алишер Азизхўжаев кутлов сўзи айтдилар.

Маросимда бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳозир бўлдилар.

**Ўз мухбиримиз**



Қишлоққа оқшом чўкди...

*Бугуннинг нафаси*

## КОНТРАКТГА ТУШГАН ҚИЗ

Ҳамкасбим билан автобусда сўзлашиб кетаётган эдик. Суҳбатимизни эшитиб келаётган бир қиз сўради:

— Газетада ишлайдиганга ўхшайсизлар, журналистмисизлар?

— Ҳа, — дедик.

— Биз ҳақда ҳам ёзасизларми, ёзолсангизлар, мана мен тайёр мақоламан, — деди у ва мақолани ўзи бошлаб кетди.

— Ҳозир университетнинг 1-курсида ўқияпман, лекин талабалигим омонат бўлиб кўринади, бирдан ҳаммаси тугаб қоладигандек.

— Нимага? — сўрадик.

— Контрактга тушганимни кўриб қувонишимниям, овунишимниям билмай қолдим. Отам вафот этганлар, онам колхозчиликдан пенсияга чиққан, опа-акаларим ўзларидан ортмайди, зиёли одамлар, қишлоқ шароитинику айтмасам ҳам биласизлар. Тарозининг бор юки онамнинг елкасига тушаётганидан ичим зирқираб кетди. Чунки ҳали грантга кирганимда ҳам ўқишим осон бўлмасди, барибир ишлаб ўқирдим. Онам ярми қарзҳавола, ярми у-буларини сотиб, стипендиясиз шаклда бир йиллик тўловнинг ярмини топширди.

Йўловчилардан бири гап ташлади:

— Бирор корхонадан пул ўтказдирмабсизлар-да.

— Айтишга осон, отам ҳаёт бўлганларида сал енгил ўтармиди. Ҳозир стипендиясиз кекса онамга нақ юк бўлиб турибман. Ярим ставка ишга киряпман, лекин бу ниманиям ҳал қиларди. Ўқимасам, шундай қолиб кетаман. Тўғри, бозор иқтисодиёти дейсиз, илғор мамлакатларда шундай. Менимча, улар даражасига етиб улгуришимиз учун аввал ўқишимиз керак. Тугал тўлаб ўқиётганлар бор, ҳавасим келади. Кўпчилигининг ота-онаси яхши-яхши жойларда ишлашади...

... Талаба кўп гапирди, унга таскин берган бўлдик, у эса:

— Таскинингиз учун раҳмату, — деди кулимсираб, — аммо шартномага таскин бериб бўлмайди-да. Барибир опа-акаларимга ўхшагим келади, маошга яшаса ҳам илмли кишиларга ҳавас қиламан. Очиғи, шу ташвиш боис ўзимни ҳеч ёш тутмай қўйганман. Бир ойнинг ичида каттайиб, мен ҳам онамга ўхшаб қолгандайман. Ҳеч бўлмаса онамча ҳал қилишга кучим, имкониятим, ақлим етса дейман, ўзимча ўйланаман.

... Биз етиб келдик, талабанинг ўқишларига муваффақият тиладик. «Э, барибир бирон нарса ўзгармайди» деди у. Ҳамма нарса ўзгараяпти, ўсаяпти, қаердан бу ишончсизлик? Эҳтимол, бу бизнинг ҳам бир лоқайдлигимиз, керак пайтда халқнинг юрагидаги дардларини топиб ёзолмаётганлигимизнинг акс садосидир. Ўтиш даврини ҳамма бирдай тушуниб турибди, тинмай фикрлашиб, ҳар тарафга диққат бериб ишлаш даври. Балки шу шароитда маърифат ишларини изчил олиб боришимиз талаб этилади. **Кам таъминланган, курби етмай турган оилаларнинг фарзандларига, ота ёки онаси йўқ талабаларга зарур имтиёзларни режалаштирмоқ афзал.**

Илм, шубҳасиз, мудом тараққиётнинг туб ўзаги. Янги бунёд бўлаётган бинолар, турфа қурилишлар, мармар ётқизилган дам олиш масканлари, ресторанлар, бир-биридан муҳташам саройлар... юртни гўзаллаштиради. Илм бунёди эса маънавий камолот кўркини беради, гўзаллик яратишга ундайди, жамиятни илгариловчи, мамлакат обрўсини кўтарувчи кашфиётларга йўл очади.

**Дилором МАТКАРИМОВА**

# ФАОЛЛИК ПОЙТАХТДАН БОШЛАНАДИ

## Пойтахт ташкилотининг самарали интилишлари

Мамлакатимиз халқлари шу кунларда жамиятимиз учун ғоят муҳим ва демократик жамият қуриш борасида катта аҳамиятга эга бўлган сиёсий жараёнда яшамоқда. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди ва шу йўлдан мана саккиз йилдан ортиқ давр орасида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий, маданий, маънавий соҳаларда шаҳдам қадамлар билан олға интилмоқда. Ўтган давр орасида биз эришган мустақиллик бизга нима берди деган савол устида қисқача тўхталадиган бўлсак, бунга ҳар биримиз аввало эркинлик берганини, Ўзбекистон тараққиётига кенг йўл очганини, маънавий қадриятларимизни тиклашга шарт ва шароитлар яратганини, демократия ва фуқаролар жамиятини қуришга, виждон эркинлиги учун катта имкониятлар яратганининг гувоҳи бўламиз. Энг муҳими, ўз қўлимиз билан етиштирган барча бойликларга ўзимиз эга эканлигимизни чуқур ҳис қиламиз.

Шулар қаторида мамлакатимизда кўппартиявийлик демократик тизим амалга оширилгани ва ҳозирги даврда 5та сиёсий партия, шунингдек, Халқ бирлиги ҳаракати ва бошқа кўплаб жамоат ташкилотларининг фаолият кўрсатаётгани жамият ривожида улкан ҳодисалар бўлди. Мамлакат бўйича 5 декабрда ўтказиладиган Олий Мажлис депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловларда 5та сиёсий партиянинг иштирок этиши ва унга ўзларининг муносиб номзодларини кўрсатишлари, шунингдек, 9 январда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларда иштирок этиши сиёсий партияларга юксак ишончни, шу билан бирга мамлакатимизда демократик жараён бораётганлигини кўрсатади.

Ана шу сайловларда Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилотининг фаол иштирок этиши ва Олий Мажлисга ўзининг энг муносиб, фидоий аъзоларини-номзодларини кўрсатишини биз юксак баҳолаймиз ва буни ниҳоятда масъулиятли иш эканини ҳис қиламиз. Шундай экан, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилоти ва унинг Кенгаши, туман партия ташкилотлари ана шу муҳим масъулиятли даврда қандай ишларни амалга оширмоқда деган савол туғилади. Бу борада шуни айтиш лозимки, Тошкент шаҳар партия ташкилоти Кенгаши шу кунларда навбатдаги Олий Мажлисга бўладиган сайловга ўзининг муносиб аъзоларини ва партиямизга хайрихоҳ бўлган ҳалол, адолатли ва эл орасида ҳурматга сазовор кишиларни танлаш, ўрганиш билан шуғулланмоқда. Бизнинг партия асосан зиёлилар партияси бўлиб, шу қатламдаги кишиларнинг истак ва орзу-умидларини, уларнинг ватанпарварлик ва халқпарварлик, инсонийлик ғояларини амалга оширишда куч-қудратини аямайди.

Ҳозирги вақтда Тошкент шаҳар партия ташкилоти ўз атрофига Республикамизнинг кўзга кўринган, халқ таниган, эл эътиборига тушган академиклари, олимлари, шоир ва ёзувчилари, санъат ходимлари, спортда ўзини кўрсатган ва жаҳон мусобақаларида қатнашиб муносиб ўринлар ва совринларни олган кишиларни, тиббиёт соҳасида катта тажрибага эга бўлган кишиларни бирлаштирган. Биз булар билан фахрланамиз. Шундай экан, Олий Мажлисга бўладиган сайловларга номзодларни аҳолининг барча қатламлари ва ана шулар сафидан кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Биз ўйлаймизки, бу кишилар партиямизнинг ҳаракат дастури ва устави асосида фаолият кўрсатиб, мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда равнақ топишида, келажакда гуллаб яшнашида ва жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторига кўтарилишида ўзларининг кучларини аямайдилар.

Партия ташкилотимиз ва унинг аъзолари олдида ҳали жуда муҳим вазифалар турибди. Ҳар бир туман партия ташкилоти Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашига ҳам ўзларининг муносиб вакилларини кўрсатмоқда. Шундай экан, бизнинг бу вакилларимиз ҳам ғоят фидоий, Ватан, юрт ишқида яшовчи ва фаолият кўрсатувчи инсонлар бўлиши керак. Улар Тошкент шаҳрининг обод ва гўзал бўлишида меҳнатини аямайдиган халқ фаровонлиги ва тинчлиги учун доим қайғурадиган кишилардир. Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман партия ташкилотлари эндиликда ўз фаолиятларини янада фаоллаштиришлари, халқ билан тез-тез учрашувлар ва бошқа тадбирлар ўтказиб туришлари керак. Очиғини айтайлик, ўтган даврда баъзи туман партия ташкилотларимиз жуда яхши иш олиб бордилар. Жумладан, Собир Раҳимов, Сирғали, Юнусобод, Шайхонтоҳур каби туман партия ташкилотлари яхши фаолият кўрсатдилар. 1999 — «Аёллар йили»да ҳам бир қатор ишлар олиб борилди. Аденауэр фонди билан ҳамкорликда «Ўзбекистон хотин-қизлари демократик, ҳуқуқий жамият қуриш даврида», «Жамоат ташкилотлари ва аёллар», «Сиёсий партиялар фаолиятида аёллар ўрни» каби масалаларда савол-жавоб давралари уюштирилди. Лекин баъзи туман партия ташкилотлари фаолиятида сусткашлик ҳам сезилди. Улар эндиликда ўз иш усулларида теран ўзгаришлар қиладилар, деб ишонамиз.

Бундан буён бундай камчиликларга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки Марказ партия ташкилоти Республикамиз бўйича ҳамиша ва ҳамма соҳаларда намуна бўлиши керак. Бизда бунга етарли шароитлар бор, кадрларимизнинг салоҳияти ҳам яхши. Биз Олий Мажлисга бўладиган сайловларда ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этамиз ва бу борада турар жойларда, маҳаллаларда, иш жойларимизда халқимиз орасида юртимизда бўлаётган катта ислоҳотлар ва ўзгаришлар ҳақида тушунтириш ишларини олиб борамиз. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши сайловларда фаол ва самарали иштирок этишига шубҳа йўқ.

**Иброҳим АБДУҒАНИЕВ,**
**ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси**

*ЎзМТДП Тошкент шаҳар конференцияси*

# ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ



**Боши биринчи бетда**

**И. Ҳ. АБДУҒАНИЕВ:** — Бизнинг партиямиз миллатимиз кўз ўнгида илк бор шундай катта майдондаги катта курашга тушмоқда. Мен кураш сўзини ўз маъносида — ота-боболаримиз қўллаб келган маънода тушунишларингизни хоҳлардим. Чунки бу маънода майдон ҳам, кураш ҳам ҳалоллик, мардлик асосига қурилади, эзгулик асосига қурилади. Биз бу курашга тахминий, тусмоллаб эмас, ўз кучимиз, эътиқодимизга, қолаверса, миллатимизга суяниб тушмоқдамиз.

Кучимиз нимада? Бирламчи, партиямизнинг шаънида.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси фаолият кўрсата бошлагандан буён ўз шаънига бирор марта доғ туширгани йўқ. Аксинча, аксариятининг буюк хизматлари, қаҳрамонона меҳнатлари ҳукуматимиз тарафидан тан олинди, тақдирланди. Мен буни бизнинг Саид Аҳмад домладай, Бўрибой Аҳмедов, Эркин Воҳидовдай аъзоларимиз бор, дея писанда қилиш учун гапираётганим йўқ. Балки, таржимаи ҳоли тоза партия орқасига қайрилиб қараганда, ўз босган йўлларидан ҳам қувват олишини айтмоқчиман, холос...

Бизнинг яна бир қувват манбаимиз — кураш усулимиз, юқорида таъкидлаганимиздай, ҳалол курашга чоғланганимиз. Биз бировни камситиш, кемтиш ҳисобига бутун кўринмоқчи эмасмиз, биз бировни йиқитиш учун тикка турмоқчи эмасмиз.

ЎзМТДПнинг Тошкент шаҳар кенгаши котиби кириш сўзларидан сўнг шу тарзда партиянинг сайловолди дастурига ўтди.

Дастур — бу ҳар қандай партиянинг курашдаги энг катта қудрати.

Энг ишончли яроғи.

Энг мустаҳкам қалқони.

Заҳираси ҳам шу дастур.

Маърузачи, Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси кафедра мудири **Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ** «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди ҳаракат дастурини кенг, чуқур таҳлил қилди:

**М. Қирғизбоев:** — Партиямиз мамлакатда кучли фаолият жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш тарафдоридир. Ана шу мақсадлар доирасида Ўзбекистонда миллий давлат барпо этиш концепциясига асосланади. Уни амалга ошириш халқнинг миллий тикланиши билан уйғун кечиши кўзда тутилади.

Ҳозирги даврда мамлакатда миллий тикланишнинг дастлабки босқичи — замонавий цивилизациялашган жамият барпо этиш жараёни билан боғлиқ ислоҳотлар давом этмоқда. Партиямиз эндиги долзарб вазифалар жамиятдаги миллий қурилиш жараёнларини янада авж олдириш ва чуқурлаштириш деб билади.

Партиямиз Ўзбекистон жамиятида БМТ томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси» ва «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги пактнинг тўла рўёбга чиқиши тарафдоридир ва ўзининг фаолиятини ана шу эзгу мақсадларни амалга оширишга бағишлайди. Шу мақсадларда партия томонидан илғор ва етук демократик мамлакатлардаги сиёсий плюрализм, сиёсий муносабатларни демократлаштириш тажрибалари ўрганилади ва уларни мамлакатимизнинг ўзига хос миллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилинади.

Мулкдорлар синфини шакллантириш учун давлат мулкини қуйидаги йўллар билан халқ қўлига беришни партия мақсадга мувофиқ деб топади:

— Давлатнинг аҳолидан қарзини давлатга тегишли акция пакети ҳисобидан узиш;

давлат акцияларини аҳолига кредитга сотиш;

аҳолининг жамғарилган маблағларини акция орқали капиталлаштириш.

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси проректори, сиёсатшунослик фанлари доктори, Олий Мажлис депутати, «Миллий тикланиш» демокартик партияси фидоий аъзоларидан бири Рустам Жумаев асосий маърузачининг гапларини тўлдирди.

**Рустам ЖУМАЕВ:** — Партиямизнинг бош сиёсий мақсадларидан бири — кучли фуқаролик жамияти доирасида либерал демократияни ривожлантиришдир. Уни амалга ошириш учун партия фуқароларнинг фаол ва самарали сиёсий иштирокини, сиёсий қарорлар қабул қилишда уларнинг тенглиги, фаоллигини таъминлаш, халқ сиёсий маданиятини юксалтириш, ҳокимият органлар фаолияти устидан фуқаролар ва жамоат ташкилотлари назоратини ўрнатиш каби демократик қадриятларни таомилга айлантиришга интилади. Ҳар қандай яхши идеаллар, ҳатто у яхши қонунга айланганида ҳам фуқаролар қалбига кириб, унга сингиб, қўшилиб бирга нафас ола бошласагини самара беради.

Рустам Жумаев миллатимиз кайфиятида ана шундай самарадорликни юзага келтирувчи шарт-шароитларни яратиш (фақат сиёсий эркин, мустақил фикрловчи, сўз, фикрлаш, матбуот, виждон ва эътиқод эркинлиги) «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди дастурининг ўзаги эканига алоҳида урғу берди.

«...Партия ишчи кучини экспорт қилиш мақсадида махсус фонд ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб билади...»

«...Аҳолини иш билан таъминлашда инвестиция талаб қилмайдиган фаолиятни, чунончи уй хизматчилари, оилавий мураббийлар, ўқитувчилар, боғбонлар, оилавий спорт ва мусиқа ўқитувчиларни тайёрлаш, уларни касаба уюшмаларига бирлаштиришни маъқул деб топиш керак...»

«...Партия бозор иқтисодиётини умумбашарий ва истиқболли деб билгани ҳолда унинг хуфиявий шаклларини маъқулламайди. Партия иқтисоднинг криминаллашувига (жиноятлашувига) барча чора-тадбирлар билан курашиш ва унга йўл қўймаслик зарур деб ҳисоблайли...»

«...Ислом динида таъкидланган даромадни оила эҳтиёжига сарфлашдек қоидани кун кечиришдек меъёрига айлантиришни зарур деб билади...»

«...Партия рақобатнинг ғирромлик усулларини қоралайди...»

«...Партия ишлаб топилган ҳалол даромадни чегаралашни маъқулламайди...»

Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази директори ўринбосари, Собир Раҳимов туман кенгаши раиси Озод Отамирзаев, Тошкент Молия институти «Умумий иқтисод назарияси» кафедраси доценти, иқтисод фанлари доктори, Юнусобод тумани кенгаши раиси Хидирназар Оллоқуловлар «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди дастуридаги ана шу қисмларга анжуман қатнашувчиларининг диққатини қаратди.

Халқимизда тилимнинг учида турган сўз, деган ибора бор. Бу айтилай-айтилай деб, аммо айтила олмай турган сўзга нисбатан ишлатиладиган иборадир.

Дастурдаги иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ ғоялар миллатимизнинг ана шу тили учига келиб турган сўзларига ўхшайди. Давлатимиз бозор иқтисодига босқичма-босқич кириб боракан, халқимизни «мана, жонинг азиз бўлса, оқимга қарши сузавер», дея ташлаб қўймади. Ҳар кун, ҳар соат фуқароларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида қайғурди, қайғурмоқда. Аммо ижтимоий ҳимояни яна ҳам барқарорлаштириш мақсадида «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди дастури ишсизликни бартараф этиш, имкони даражасида ишлаб топган даромади билан ўзини-ўзи ҳимоя этишга имкон яратиш ғоясини ўртага ташлайди.

Конференцияда шу ва шуни тўлдирувчи фикрлар кенгроқ муҳокама қилинди.

— Биз партиямиз платформаси ва депутатликка қўйилган ҳар битта номзодимиз шу платформага суяниб яратган ўз дастури билан сайловчилар ҳузурига кириб борар эканмиз, ҳар қандай вазият, ҳар қандай саволга тайёр бўлишимиз керак, — деди Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Олий Мажлис депутати Ўткир ҲОШИМОВ, — Мана, масалан, шундай бир вазият бўлиши мумкин. Дейлик: биз борган туман буғдой бўйича давлат билан тузган шартномасини аслида бажара олмади. Аммо иссиқ оромкурсисидан силжигиси келмаган бирон бир амалдор ҳар фермер хўжаликка: «ернинг остидан бўлсаям, беш килодан буғдой топасан», деб буйруқ қилади. Бир амаллаб уруғлик топиб, эплаб ўстириб, бор-будини топшириб, энди тунда чироқ ёруғида бошоқ териб кун кўриб юрган деҳқонга рўпара келишимиз мумкин. Уни биз ўз дастуримизга қандай ишонтирамиз? Ўзингиздаям айб бор, бундан зўрроқ, жонингни фидо қилиб ишлашинг керак эди, деймизми? Ё бошлиғингга муте бўлмай курашишинг керак эди, қачонгача «қуллуқ» дейсан, биз сенинг шундай бўлишингга — ўзгаришингга ёрдам берамиз, деймизми?

Ишонармикин бу гапимизга?

Ишонтириш учун нима қилишимиз керак? Пул таклиф қила олмасак ...(чўнтагимиз ўзимизга маълум). Ҳар нима бўлганда ҳам, биз шундай саволларни ҳам кўнглимиздан ўтказиб юришимиз зарур.

Асос қанчалик мустаҳкам, яроғ қалқон қанчалик яроқли бўлмасин, майдонга тушадиганлар барибир партия аъзоларининг ўзи.

Шунинг учун сайлов жараёнларида уларнинг ШАХСИ алоҳида аҳамият касб этади.

— Мен ашулаларим билан қайси даврага кириб борсам ўзбеклигим, Ўзбекистонлик эканлигим билан фахрланардим. Мана энди менга ғурур, масъулият бахш этиб турадиган яна бир сабаб бор. Мен Президентимиз оқ йўл берган «Миллий тикланиш» демократик партиясининг аъзосиман. Шу миллат деган сўзнинг ўзининг қандайдир қудрати бор. Шу сўзнинг ўзи одамни интилишга, ғолиб бўлишга чорлайди. Аксарият одамлар, санъат — санъат учун идеясини илгари сурадилар, санъат мафкурадан айро яшаши зарур, дейдилар. Аммо мен ўз партиямнинг сайловолди дастури билан танишгач, бир ҳақиқатга амин бўлдим. Бизнинг партиямиз инсон қалбидаги миллатимизга хос бўлган энг гўзал фазилатлар, энг гўзал ҳиссиётларни уйғотишга бел боғлаган партия экан. Санъатнинг ҳам вазифасини шундай тушунаман. Демак, мен ўз қўшиқларим, бутун дунёда эришган муваффақиятларим билан партиямиз ғояларига хизмат қиламан, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Муяссар РАЗЗОҚОВА.



Аёлнинг энг баланд унвони Оналикдир. Уни аввало ўстирган фарзанди юрагининг вазни билан ўлчайдилар. Шунинг учун Аёлнинг оналиги учун шароит яратиш конференцияда муҳокама қилинаётган дастурнинг марказий ғояларидан бири эканлиги таъкидланди.

— Аёл қалбига экилган меҳр уруғи шу уйнинг эгаси, бошпаноҳи юрагидан жасорат бўлиб кўкаради. Фарзанди қалбидан маърифат бўлиб унади. Биз Аёлга эҳтиром кўрсатсак, камида уч ҳисса бўлиб ўзимизга, юртимизга қайтади. Ҳурматни сўздан амалга айлантириш иқтисодиёт, сиёсат қадар муҳим иш эканини ҳар биримиз теран англамоғимиз зарур, — дейди Ўзбекистон халқ шоираси, «Саодат» журнали Бош муҳаррири Ойдин ҲОЖИЕВА.



Кексаликни — ўтган фасл, ҳисоблайдилар. Қариликка — муҳтожлик, кемтиклик сифатида қарайдилар. Буям бор гапдир-у аммо бу фаслнинг донишмандлиги, тажрибаси, сабоқлари-чи?

Тошкент Жаҳон тиллари университети, халқаро журналистика факултети декани, филология фанлари доктори, Акмал Икромов туман кенгаши раиси, профессор Гуландом БОҚИЕВА ЎзМТДПнинг маънавият соҳаларида кўзлаган режаларига — айниқса, қариялардаги билим, малакалардан фойдаланиш, уларнинг клублари, йиғинларини ташкил этиш масаласига кенгроқ тўхталди. Халқаро алоқаларда миллатимизнинг энг мукаммал сифатларини намоён этиш мумкин бўлган режалар хусусида гапирди.

— Ҳар бир дақиқа бизни сайловга яқинлаштираяпти. Биз ўз имкониятларимизни намойиш этиш, сиёсий партия сифатида яшаб қолишга қурбли эканимизни кўрсатиш учун бутун куч-қувватимизни сарфлашимиз керак, — деди Гуландом БОҚИЕВА. — Аммо бизнинг ҳаракатимиз сайлов билан тугамайди. Парламент ва Президентликка сайлов бу катта ишларимиз бошланиши, деб билишимиз шарт.

Қадим-қадим тарихлардан то шу кунгача китобларни варақласак, бугун зиёли деб аталаётган қавм қачон ўз қора бошини ўйлаган? Эҳтимол, улар бир пайтлар Муқанна изидан оқ кийимда юргандирлар. Эҳтимол, Маҳмуд торобийчилар аталгандирлар. Балки, Жалолиддин қўшини дейилгандир, балки сарбадорлар... Балки, Дукчи эшон, Номоз ботир бўлиб якка шахс исмида майдонга чиққандир... Ва яна эҳтимолки, қайси бир кунда уларга жадид дея нисбат берилгандир...

Исми, кийган либоси турлича бўлса-да, зиёли ҳар қандай яхши-ёмон кунда ўз миллати ёнида турганлигини тарих юз бор, минг бор тасдиқлаб қўйибди. Тўғри, ҳеч қавм бедоғ бўлмаганидай зиёлининг ҳам зиёсизлари бўлгандир. Бугун ҳам йўқ, деб ҳеч ким кескин айта олмайди. Аммо яна бир карра фахр ила айтиш мумкинки, зиёли халқ қалбини англайдиган, унга жони оғрийдиган, қувончларидан қанот боғлайдиган, керак пайтда олдига чиқиб байроқни кўтарадиган қавмдир.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси зиёлилар қатламига суянар экан, унинг ҳар бир сўзи, ҳар қадами, ҳар ниятида халқ тақдири туради. Албатта, у ҳам барча сиёсий партиялар каби ҳокимиятда ўз овози, ўз шаънига эга бўлиши учун курашади. Аммо бу кураш замирида Эшмат ёки Тошматнинг шахсий манфаати эмас, қоракўзлар манфаати — катта манфаат туради.

Анжумандаги сўзга чиққан нотиқлар нутқи ҳам, баҳслар, таклифларда ҳам ана шу фикр бош фикр бўлиб қалқиб чиқаверди, мавзуни етаклаб кетаверди.



**Иброҳим ҒАФУРОВ** — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси, Олий Мажлис депутати:

— Сайловолди дастуримизда барча соҳаларда ўз олдимизга қўйган вазифаларимиз Озодликни мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати олиб бораётган одил сиёсатга монанддир.

Бирламчи таянчимиз — шу.

Иккинчидан, биз ана шу сиёсат йўлига танда қўймоққа уринаётган, ҳаракати, шиддатини пасайтирмоқчи бўлган барча ички-ташқи қаршиликларга мухолифатдаги партиямиз. Биз барча ёлғонлар, барча алдовлар, барча камситишлар, барча ноҳақликлар, адолатсизликларга мухолифатдамиз.

Яхшиликни эса қўлловчилар доим кўп бўлади. Яхшиликка ишонувчилар, эргашувчилар кўп бўлади. Биз ана шу ҳақиқатга ҳам суянамиз.

Яна бир нарсани ҳам доим эътиборда тутишимиз кераккки, биз — партия аъзолари, фаоллари, хайрихоҳлари аввал ўз дастуримиз муваффақиятига ўзимиз ишонишимиз керак. Шундан кейингина ўзгалар ишончи ҳақида қайғуришга ҳаққимиз бўлади.

Дастуримиз хаёлий эмас, ҳаётийдир. Уни иқтисодчи, сиёсатчи, тарихчи, ҳуқуқшунос, адабиётчи олимлар кенгашиб, ўйлашиб яратдилар.

Биз бу дастур билан дўстларимиз яхши таҳлил қилиб берганларидай, халқ қалбидаги баъзан ўзи сезган, баъзан сезмаган эзгу бир кучни тикламоққа ният қилдик. Ватанимизнинг ҳарбий мудофааси, ундаги ўтмишдан мерос бўлиб ўтган муаммолар, Президентимизнинг ёшларга меҳру-мурувввати, бу йўналишга камарбасталик — хуллас, барча ҳаракатларимиз йўллари, бекатлари, манзиллари аниқ. Биз партиямизда «Миллий уйғониш» номи билан ёшлар қанотини ташкил қилишни ҳам дастурга киритдик.

Вазифалар, режалар катта. Энди катта юрак билан катта ШАХСлар бўлиб яшашни биздан бурчимиз талаб қилмоқда.

...Анжуман шовқин-суронларсиз, мулоҳаза, мушоҳадакорлик билан ўтди. Якунга келиб, ЎзМТДПнинг Республика қурултойига вакиллар сайланганда ҳам, йиғилиш қарори қабул қилинганда ҳам, анжуман аҳли фикрлаётганга ўхшаб турарди. Кўзлар ўйчан, чеҳраларда ҳам фикр изи сезиларди.

Ҳа, ҳамма улуғ ишлар шундай бошланади, шундай давом этади.

Юракларда мақсадга етиши жаҳди орқасида «Нима бўларкин?» деган бир сўроқ ҳам туради. Уни енгиб ўтолганларгина майдонда қолади, қолганлари...

Ахир, эмас осон бу майдон ичра турмоқ, деганлар-ку Навоийдек бобомиз ҳам.

...Шу йўл билан кетсанг, тўғри борасан, — «Алпомиш» достонида дейилади, йўл сўраганда.

Минг йиллардан йўл босиб келаётган Алпомишимиз эса:

«Сен мард бўлсанг, чиқа бергин майдонга» деб довлайди.

Ҳарна бўлса-да, омадимизни берсин!

ЎзМТДПнинг Тошкент шаҳар кенгаши конференциясининг қарори қоғозига ёзилмаган битта қисми шу тилакдир, балки!

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА**



# ОЗОДЛИК СУВРАТЛАРИ

Баҳорнинг охирларида қишлоққа бордим. Дала айланиб юрсам, укам Мансур ҳовлиқиб келиб қолди.

— Опа, яхшилаб ош қилинг. Алишер эртага армияга кетаркан, чақириб юборайлик.

Алишер-қўшнимизнинг ўғли, анграйиб қолдим.

— Ростданми? Нега, ота-онаси олиб қололмабдими?

Мансур кулди:

— Унақа гаплар сизларнинг пайтингизда бўлган. Ҳозир ҳамма йигитлар армияга ўзи боради.

Оҳ-оҳ!..

Негадир армияга чақириқ келса, юраклар зириллайдиган пайтларни эсладим. Биз собиқ тузум мактабларининг энг сўнгги битирувчилари эдик. Синфимизда ўттизта ўғил бола ўқиган бўлса, шундан нари борса бештаси армияга кетгандир... У пайтлари армияга боришни худди борса келмасга боришдай англашарди. Ким ҳам майиб-мажруҳ бўлиб қайтишни истайди? Афғон урушларию турли бевош «дедовшиналар» туфайли қанча йигитлар ногирон бўлмади дейсиз, ҳаётдан кўз юмганлари-чи?» Менинг ҳам бир тоғам Россияда хизмат қилаётиб «оғасининг ҳазили» билан бир кўзидан ажраб қайтган. Бундай йигитлар қишлоқда анча топиларди.

Энди у кунлар буткул ортда қолди.

Энди қишлоғимиз йигитлари армияга боришни шараф деб билишади энди улар она Ўзбекистонимизнинг аскари бўлишдан ватанга хизмат қилишдан ғурурланади. Чунки ўз армиялари, ўз жонажон ватанлари учун хизмат қиладилар. Ҳар қанча хизматларини Ватан учун деб билишади.

***

Онам коммунист эди. Замоннинг талаби маълум — коммунистлар ҳар доим олдинда бўлишлари талаб этиларди. Онам шўрлик қишин-ёзин даладан келмасди. Мен олти-етти яшар қизалоқ — иккита синглимни тарбиялардим. Сиз ажабланманг, кўп оилаларда шундай эди...

Баланд супамиз бўларди. Нима бўлибдию, кичкина синглим супада қолиб кетибди. Бир пайт қарасам, сингилчам ерда йиғлаб ётарди. Бир амаллаб алдаган бўлдим. Аммо сингилчамнинг икки кунга ҳам етмай кўзи юмилди...

***

Онамнинг ой-куни яқин кезлар эди. Пахта терими авжига минган. Онам ҳам пахта теришга борар, табиийки, бошқалардан кўпроқ теришга ҳаракат қиларди... Хуллас онамни даладан тез ёрдамда олиб кетишди. Врачлар фақат ҳаётини зўрға сақлаб қолишди...

Ниҳоят, мустақилликка етишдик. **Онам коммунист бўлишдек оғир азобдан, заҳматли, бемақсад ва бенаф меҳнатдан қутулди.** Бугун фермер хўжалигининг раҳбари, ҳамқишлоқлари билан кўнгилдан чиқариб меҳнат қилишади. Меҳнатлари ўз ҳаётларига татийди. Фақат менинг онам эмас, қанчалар ўзбек аёллари манфаатсиз, беҳосил, оғир меҳнатдан озод бўлишлари мустақиллик туфайли.

***

Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Чимбойга борганимизда бир механизатор аёлникига қўндик. Аёлнинг ёши йигирмага яқинлашган эгизак қизлари бор экан. Бўйлари тирсак бўйича ҳам ўсмай қолибди.

— Илғор бўламан деб, қилган фойдам шу бўлди — кўзлари ёшланди аёлнинг — яхшиям, мустақиллик бор экан, бугун ҳеч ким ўзбек аёлини трактор ҳайдашга мажбур қилмайди.

Ҳам мустақиллик қанчалаб оналаримизни касалликлардан, болаларимизни ногиронликдан, барвақт ўлимдан асраб қолди.

***

Қишлоқда дув-дув гап:

— Абдураим фермер машина олибди.

— Чўпчагингни сувга айт, дейишади эшитганлар. Кимдир пичинг қилади:

— Деҳқоннинг машинаси эшак арава-да Абдураим шунақа машина олгандир.

Аммо, Абдураим аканинг машина олгани ҳақиқат эди. Ўзиям машинамисан, машина — оппоқ «Нексия». Замондан нолиб юрганлар ер чизиб қолди. Ўзига ишонганлар белини маҳкамроқ боғлади. Одамлар ерга бошқачароқ меҳр билан қарайдиган бўлишди. Чунки Абдураим акани ҳамма яхши биладди. На отасидан бир-икки сўм мерос қолган, на «тепароқ»да қариндоши бор. Қўлидан келадигани меҳнат. Ерни жонидан-да ортиқ кўради, бирон ернинг қаровсиз қолганини кўрса, жони чиқади. Ўз еридан йилда икки-уч бор ҳосил олади.

Ер ҳам одам, қарасанг қарайди, — дейди, замон изланганники, ишлаганники бўлса, нега қўл қовуштириб ўтирасизлар, — ҳамқишлоқларига тинмай уқтиради. Олдин эди у, ўн сўмлик иш қилганам, бир сўмлик иш қилганам беш сўм ҳақ оларди. Меҳнатинг тўғри баҳоланмагандан кейин ишлагинг ҳам келмасди. Бугун замон бошқа, меҳнат қилган роҳат кўради, азиз бўлади.

Ўзбек деҳқони ўз меҳнатининг роҳатини кўрадиган ҳаётга тобора ишонч билан кириб бораяпти.

***

Октябрнинг етмиш йиллиги нишонланадиган йили олтинчи синфда ўқирдим. Пионерлар газетаси шу муносабат билан танлов эълон қилган. Унинг шартига кўра октябр инқилобида қатнашган, колхозлаштиришда иштирок этган бобо ва момоларимиз ҳақида ёзиш керак эди. Шошиб 85 ёшли отам (бобомни ота дердик)нинг ёнига бордим. Шунақа, шунақа хотираларингизни айтиб беринг дедим.

— Ёзасанми?

— Ҳа.

— Унда ёзгин, юртни бегоналар босди, уйларни, боғларни бузишди, яхшиларни ўлдиришди, одамларнинг ерини, сувини, буғдойини тортиб олишдида колхоз тузишди. Хўш энди ёзасанми?

Хўмрайдим. Отам ҳам қовоғини уйиб ўтираверди. Бошқачароқ саволлар бериб кўрдим. Отам қайрилиб ҳам қарамади. Жаҳл билан уйга қайтдим. Ҳиқиллаб йиғладим. Алам қилди.

«Нега менинг отам инқилобда қатнашмаган. Нега менинг отам колхозлаштиришни ёқтирмайди? Нега менинг отам коммунист бўлмаган? Нега унинг орденлари йўқ? Нега мен отам ҳақида мақтаниб ёзолмайман?»

Бу саволлар ўшанда мени кўп қийнади. Отам раҳматли бўлиб кетди. 90-йилларда тарих ҳақиқати очиб ташлангандагина кўксимизга шамол тегиб аламим тарқади, кўнглим ғурурга тўлди: «Менинг отам инқилобчи бўлмаган? Менинг отам сотқин бўлмаган. Менинг отам бутун одам бўлган!»

***

Кичкина синглим яқинда етти ёшга тўлади. Тошкентга биринчи марта келганида тўрт ёшда эди.

У Алишер Навоий ва Амир Темур ҳайкалини кўрсатасиз деб туриб олди.

Уйимизда меҳмонлар бор эди, саволга тутишди.

— Амир Темур ким бўлган?

— Зўр бобомиз бўлган!.. — деди у тутилмай. Унга қараб ҳаммамизнинг кўнглимиз ўсди.

Кейин синглим Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон гимнларини айтиб берди. Ўша куни меҳмонлардан бири ёқасини ушлаб:

— Мустақилликнинг боласи-да, деган эди.

Ҳа, мустақилликнинг болалари. Улар эркин болалар. Биз тўрт ёшимизда Амир Темурни, Жалолиддинни, Навоийни билармидик? Умуман, Лениндан бошқа «отамиз» бормиди? Синглим «Серқуёш ҳур ўлкам» ёки «Жайҳун жоғисинда ўскан бойтерак» деб бошласа, беихтиёр пичирлайман: Мустақиллик доим бор бўл, омон бўл!

Кечган, кечаётган катта-кичик турли воқеалар, бизни озодликка, унинг қадр-эътиборига яқинлаштиравераdi. Шукрким, эндиги ўйлар фақат озод хотиралар бўлғуси.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА.**



# ТУРКИЙ НАСР ЁДГОРЛИГИ

**Туркий тилдаги Хоразм тарихнавислик мактаби ҳақида сўз юритилганда кўпроқ Абулғози, Мунис, Огаҳий ва Баёний каби улуғ муаррихлар номи зикр қилинади. Улардан илгарироқ, яъни XVI асрда ажойиб тарихий-бадиий асар яратган Ўтамиш Ҳожининг номи ва асари эса кўпчиликка яхши маълум эмас. «Бунинг сабаби тахминан номи «Ўтамиш Ҳожи тарихи» деб юритиладиган бу асарнинг ғоят кам нусхаларда сақланиб қолгани ва ўзбек олимлари томонидан кам тадқиқ қилинганлигидир. Ҳолбуки, бу китоб ўрта асрлар ўзбек адабиёти ва тарихнавислигининг дурдона асарларидан биридир.**

**Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий ҳаёти ҳақида маълумотлар кам сақланиб қолган. Ўз асаридан унинг XVI аср ўрталарида Хоразмда ҳукм сурган Элбарсхон ва Эш Султонлар хизматида бўлгани, шунингдек, бир қанча ўлкаларга саёҳатлар қилгани маълум бўлади. У асарини муаллиф шайбонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Эш Султон буйруғига асосан ёзган.**

**Асарини ёзишга киришганда Эш Султоннинг акаси Дўст Султоннинг «Дафтар» ини истисно этганда, Ўтамиш Ҳожи қўл остида ёзма тарихий манбалар деярли бўлмаган. Шунинг учун у асарини асосан ўзи йиққан оғзаки ривоятлар асосида ёзган. Асарнинг номи рамзий бўлиб, унда Дашти Қипчоқ хонлари — Сойинхон (асл номи Ботухон), Шайбонхон (Шайбонийхон эмас!), Беркахон, Ўзбекхон ва ҳоказо ҳукмдорлар тарихи қисқача, содда, равон ва қизиқарли тарзда баён қилинган. Бу китоб муҳим тарихий манба бўлиши билан бирга, унинг ўша даврдаги ўзбек адабий ва халқ тилини ўрганишдаги аҳамияти ҳам беқиёсдир. Асарнинг тили ва услуби халқона бўлиб, ўзбек халқ достонларининг насрий қисмларига ўхшаб кетади.**

**«Ўтамиш Ҳожи тарихи» А.З. Тўғон, В.В. Бартолд каби улкан олимлар диққатини жалб этган ва улар асарнинг илмий аҳамиятини қайд этиб, ундаги баъзи маълумотлардан ўз тадқиқотларида фойдаланишган. Аммо асар устида энг кўп ва изчил тадқиқотлар олиб борган олим қозоғистонлик марҳум шарқшунос В.П. Юдиндир. У нашрга тайёрлаган «Ўтамиш Ҳожи тарихи» асар заҳматкаш олим вафотидан сўнг 1992 йилда Алматида чоп этилди. Ушбу қимматли нашрга атоқли манбашунос олим академик Бўрибой Аҳмедов масъул муҳаррир бўлган ва сўзбоши ёзган. Мазкур нашр В.П. Юдиннинг ушбу асар маълумотлари асосида ёзган тўртта илмий мақоласи, асарнинг асл матни фотонусхаси, матннинг илмий транскрипсияси ва русча таржимаси ҳамда изоҳлар ва матншуносликка оид қайдларни ўз ичига олади. В.П. Юдин ўз тадқиқотларида асарнинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган нотўлиқ нусхасидан фойдаланган. Афсуски, тадқиқотчи асарнинг илмий доираларда ҳам кам маълум бўлган иккинчи — тўлиқ нусхасини ўз ичига жалб этиш имкониятига эга бўлмаган. Бу тўлиқ нусхани илк бор А.З. Тўғон 1913 йилда Оренбургда топиб аниқлаган ва муҳожирлик пайтида Туркияга олиб кетган. Ўшандан бери Туркияда сақланаётган мазкур нусха баъзи турк олимлари тадқиқотларида «Ўтамиш Ҳожи тарихи» номи билн тилга олинади.**

**Асарнинг Тошкентда сақланаётган қўлёзма нусхаси матни Тўхтамишхон даври воқеалари баёнида узилиб қолган. Агар муқаддимада таъкидланганидек, Эш Султон топшириғига мувофиқ тарзда асар муаллифининг ўз замонига қадар етказилган бўлса, демак ундан Жўжихон авлодларининг бундан кейинги бир ярим асрлик тарихи ҳам ўрин олган бўлиши керак. Туркиядаги тўла нусхада Соҳибқирон Амир Темур ва Тўхтамишхон орасидаги муҳорабалар тафсилоти ҳам борлигини катта ишонч билан тахмин қилиш мумкин. XVI асрда асосан оғзаки хабарлар асосида яратилган туркий манбадаги Амир Темур фаолиятига оид маълумотлар, албатта, ғоят қизиқарлидир.**

**Ўзбек тарихнавислиги ва насрининг ноёб намунаси бўлган «Ўтамиш Ҳожи тарихи» асарининг мазкур қисмларини Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг 1552-рақамли қўлёзмаси ва В.П. Юдин тадқиқотлари асосида жорий ёзувда нашрга тайёрладик. Келгусида асарнинг Туркияда сақланаётган қўлёзмасининг фотонусхасини олдиришга муваффақ бўлсак, бу қимматли ёдгорликнинг қолган қисмларини ҳам нашрга тайёрлаб чоп эттириш ниятидамиз.**

**Ғулом КАРИМ**
**Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими**

## ЎТАМИШ ҲОЖИ ТАРИХИ МУҚАДДИМА

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим... Хизматларида маълум бўлғайким, бу фақири ҳақир Ўтамиш Ҳожи ибн Мавлоно Муҳаммад Дўстий ҳазрати ҳоқони мағфур махдум Ёдгорхон хонзодасининг (яъни ўғлининг — нашр) хоназот бандазодалари ва қадим хизматкорлариндин турур. Ул маҳалда ҳазрати султон ул-аъзам ва-л хон ул-мукаррам ал-мағфур биинояти́л моликил маннон Абул Мансур Элбарс Баҳодирхон хизматларинда бўлур эрдим. Чун булар Чингизхон набиралари эрди ва мен бу хонадоннинг неъмати бирла фарварда (парварда) бўлуб тилар эрдимки, камоҳақ (ҳақиқатини) билсам, Чингизхон ўғлонларидин ул Дашт вилоятиндаким, хон бўлғондин сўнг ким хон бўлди ва андин сўнг не вақтга тегру (тўғри) не тартиб бирла кимлар хон бўла келдилар ва буларнинг орасинда не турлик уруш ва не турлик можаролар кечти — буларнинг барчасин камоҳақ билсам. Таворихларки[5] кўрдим, буларнинг бир озроқининг отлари битиклик эрди ва бас. Не иш бирла ва не кайфият бирла хон бўлғонлари мазкур эрмас эрди ва кўпракининг отлари ҳам мазкур эрмас эрди. Чун манга

## Қадим Шарқ манбалари

доия (мақсад) ул эрдиким буларнинг аҳволидин камоҳақ билсам, бу жиҳатдин ўтруким, фалон киши қари сўзни яхши билур тесалар, албатта андин бориб таҳқиқ ва тафтиш қилур эрдим ва ақл тарозусиға мувозана қилиб маъқулин хотиримда гизлаб, номаъқулни бартараф қилур эрдим. Андоғ бўлдиким, ҳар мажлисда қадим подшоҳлар сўзиндин сўз кечиб, мушкуле (қийинчилик) воқеъ бўлса, биз фақирдин келиб тафтиш ва таҳқиқ қилур бўлдилар ва мен бу суҳбат бирла машҳур бўлдим.

Бу аснода ҳазрати олий хони мамлакат паноҳ, зилли Оллоҳ (Оллоҳ сояси), сарвари салотини жаҳон ва раҳбари маъракайи майдон, халофат тахтининг хусрави ва шижоат майдонининг Рустами — шеър:

*Улки майдон ичра бир кун*
*Рустами Достон эрур,*
*Сир дарёсича салотин паноҳ*
*Эш султон эрур,*
*То жаҳон боринча бўлғай*
*ул шариф зоти анинг,*
*Маъдани жуду карам ҳам*
*манбаи эҳсон эрур.*

Халладаллоҳу таоло мулкаҳу ва айяда салтанатуҳуға (мулкини сақлаб, салтанатини барқарор қилсин) доия бўлдиким, Йўжихон (Жўжихон) ўғлонларининг аҳволот ва кайфиятларини ва тартиб бирла кимдин сўнг ким хон бўлғонларини, то бу вақтға тегру не иш бирла ва не кайфият бирла ойраларинда не турлик урушлар, не турлик можаролар бўлғонин — барчасин маълум қилиб хотирларинда сақларға рағбат қилиб, ул жиҳатдин бу фақири ҳақирни чорлатиб келтириб, андоғ иноятy шафқатлар қилиб булар аҳвол-кафиятлариндин сўрар эрди. Чун ҳикоят кўп эрди, кўрдиларким, эшитмак бирла забт қилмоқ бўлмас. Охир ҳукм қилдиларким: «Менга бу ҳикоятларни китобат қилиб берингиз», — теб. Чун фақир аларнинг бандазодалари эрдим, ҳукмларини ўзга қила олмай, бу амри хатни ихтиёр қилдим. Ал-маъмур — маъзур (Буйруқ олган киши узрли).

Ғараз бу муқаддимотдин ул турурким, бу нусхани ҳақирдин ўқуғон ва эшитган азизлардин ва улуғ-кичикдин, ёронлардин илтимос улдурким, бу сўзлар, бу ҳикоятки, бу нусхада битилди, ҳеч дафтарда ва ҳеч таворихда йўқ турур. Барчасин эшитмак бирла битиб турурмен. Машҳур турурким, қулоқ эшитган сўзнинг кўпраги ёлғон дерлар. Ногоҳ, агар хатоси ё ғалати воқеъ бўлмиш бўлса, ғалатни чиқариб хатосини рост қилсалар. Тақи фақирни бу ишим маъмурлиғидин маъзур билсалар, индаллоҳда зое бўлмағай. «Инна Оллоҳу ло юзиъу ажрал муҳсинина» (Албатта, Оллоҳ яхшилик қилгучиларнинг амалларини зое қилмас». «Тавба» сурати, 121-оят).

* * *

Чун Чингизхон вилоятларни фатҳ қилди, бир тарафи Бағдод ва бир тарафи Ҳиндистон, бир тарафи Дашти Қипчоқ ва дарёйи Эдил[12] эрди. Бу вилоятларни тўрт-беш ўғлига бахшиш қилди. Ироқ вилоятини Ҳалокухонға берди. Ўгодойхонни ўз вилоятинда қўйди. Тулихонни ўз қошинда сақлар эрди.

Аммо Йўжихон барча ўғлонлариндин улуғроқ эрди, азим лашкар қўшиб Дашти Қипчоқ вилоятиға салғаб юборди. Отларингга ем бўлсин, теб Хоразм вилоятини берди. Чун Йўжихон Дашти Қипчоқ вилоятиндағи, мутаважжиҳ (отланди) бўлди, Улуғтоғки машҳур турур, анга етишдилар. Бир кун тоғ орасинда ов овлайи чиқиб эрди. Бир бўлак марал-кийиклар йўлуқди. Ани қувалаб отарда отдин йиқилиб, бўйни синиб вафот бўлди.

## ЭЖОНХОН ВА СОЙИНХОН

Эжонхон бирла Сойинхон машҳур турур. Туралихон қизи заифасиндин туғғон эрди. Яна ўн етти ўғилким ўзга заифалариндин бўлуб эрди. Бу Эжон бирла Сойин хонлиқни бир-бирисига муроъот қилдилар. Сойинхон кичик эрди, оғаси Эжонга айди: «Отам ўрниға оғомсен, ҳамон отам турурсен. Ёт юртға бора турурмиз, хон бўлғил». Эжон айди: «Менинг сендин ёшға улуғ эканим рост. Аммо отамиз сени бисёр суюб эрка ўстуруб эди. Бу чоқға тегру сенинг эркалигинг ва маҳолларингни чекиб турурмен. Шоядки, хон бўлсам бурунқитек маҳолларингни чека олмағаймен. Тақи орамизда уруш-адоват бўлғай. Сенўқ хон бўлғил, сенинг хонлиқингға мен чидармен. Аммо менинг хонлиқимға сен чидамассен». Сойин «ул теган не сўз бўлур? Ясоқли оғом турғонда менга на ўхшарки хон бўлғаймен», — деб оғосига кўп таклиф қилди. Қабул қилмади эрса, айди: «Бўлмаса бир иш қилоли. Улуғ бобомиз Чингизхон қошиға бороли. Мен ҳам сўзумни арз қилайин, сиз ҳам сўзунгизни арз қилингиз. Ҳар не бобомиз ёрлиғи бўлса, анинг бирла бўлоли», — теди эрса, бу сўзни маъқул кўриб қабул қилди. Бир онадин туғғон икки ўғил ва ўзга онадин туғғон ўн етти ўғил барчаси қўшилиб улуғ хон кўрунишига бордилар. Буларки хонни хизматиға етишдилар, хон буларға уч ўрга (ўтов) солди. Олтин бўсағали оқ ўргани Сойинхонға солди, кумуш бўсағали кўк ўргани Эжонга солди, пўлат бўсағали бўз ўрдани Шайбонға солди. Уч ерда Шайбонхон ўғлонлари Тўхтамишхон била Темур Қутли ва Ўрусхон ўғлонлариға фахр қилиб мақтанурлар: «Биз сизлардин ортуқ турурбиз», — теб. Ул бири — ўрга турур. Айтурлар: «Отамиз Йўжихон ўлгандин сўнг улуғ бобомиз Чингизхон қошинға оталаримиз бордилар эрса, Эжон бирла Сойиндин сўнг бизнинг отамиз Шайбонхонға ўрга солди. Сизларнинг оталарингизға телаган усти ёпиқ арава ҳам солмади», — теюрлар. Тақи иккинчи улким: «Ўзбекхон қаҳр қилиб Қиёт Исатойға ўрум четиб (иноят кўргузиб) барча ўғлонларини эл-кунлари била қўшун берди эрса, ул тақи бизни иззат ва ҳурмат қилиб: «Қилич чобқон, юрт очқон Эр Шайбоннинг ўғлонларидур», — теб икки боғлиғ элни бизга берди: бири-қорлиқ, бири-буйрак турур. Ул икки элни олиб Сойинхон солғон юртимизда ўз ҳолимизға қўйғондур. Биз ул Жир Қутлининг кошонасиға тош кирпич (ғишт) қўйғонда ва тақи ўғли Тенгиз Буғонинг эшикинда қўрлаб (қўр тўкиб) ўтокина (ўтови остонасига) юкунганда — ул ишларда биз йўқ турурбиз», — тейурлар. Улким Сойинхон ўғлонлари Бердибекхонда тамом бўлди эрса, Жонибекхоннинг онаси Тойдуволи бегим: «Эмди юрт тақи хонлиқ Шайбонхон ўғлонлариға тегар», — теб Манқутой ўғли Хизрхонни ундатиб элтиб, Сарой хон қилди. Сойинхон ўғлонларидин сўнг ул хон тахтинда хонлиқ бизга теккандур, терлар. Бу бир дафъа сўз мунда тақриб бирла айтилди. Эмди келдик яна аввалқи сўзнинг бошиға.

Чун Чингизхон ўғлонларига ўргалар солиб, ул ахшом (оқшом) йўсун — қўналғани ҳисоб ясади, тонгласи кўруниш берди. Ўн икки қўр тузилди ва беклари берйак (тартиб) бирла ўлтурдилар. Жавлон чекиб ош-таом ейилгандин сўнг Сойинхон қайтиб юкунди, тақи айди: «Отамиз ўлди эрса, ўрниға ҳамон отамсен. Ёт юртға бора турурбиз, хон бўлғил», — тедим. Қабул қилмадилар. Не жиҳатдин қабул қила олмоғонларин била олмаймен. Бу арзимни сизга айтайин теб келдим», — теди. Хоң айди: «Сойин ясоқли сўз айта турур, на учун қилмадинг?» Эжон ҳам юкуниб айди: «Балли хоним! Ёшға улуғ эканим рост. Валейкин отамиз ани бисёр суюб эрка ўстириб эрди. То бу чоқға тегру мен анинг маҳолларин чеккан эрдим. Ул менинг маҳолимни чеккан эмас эрди. Хон бўлсам, бурунқитек анинг маҳолини чека олмағаймен. Орамизда гина ва адоват бўлғай. Сизнинг кўзингизга ёмон кўринурмен. Бу жиҳатдин қабул қилмаймен. Эмди ул-ўқ хон бўлсин. Мен анинг хонлиқинға чидармен», — теди эрса, хоннинг бў сўзларга кўнгли бузилиб, ўғли Йўжихон ёдиға тушиб, кўзлариндин ёшлар оқитиб, иккисига тақи кўп дуо-олқишлар қилди, тақи айди: «Тонгла беклар бирла кенгашиб сизларга жавоб берали». Тонгласи беклар бирла кенгаш қилиб ўнг қўл (аскарий қисмлар) бирла Эдил дарёсидаги вилоятларини хон Йўсуқина Сойинхонға берди, сўл қўл бирлан Сир дарёси бўйинундоқи вилоятларни Эжонга бердилар.

Хон кўрунишиндин қайтиб хон солғаған вилоятларинғаки келдилар, Сойинхон Эдил дарёси бўйинунға келгач, черик яроғин қилиб Ўрус вилоятининг шаҳри Маскавга юриди. Айтурлар, ул юришда Шайбонхонға ўттиз минг киши қўшиб қоровул юборди, ўзи сўнгинча юрур эрди. Уч кунлик ерга илгари юрур эрди. Маскав подшоҳи хабар топди, юз эллик минг киши бирла қаршу чиқди. Булар хабар топдилар, Маскав подшоҳи қаршу кела туруб теб. Шайбонхон: «Мунинг устинга илғармен (босиб бораман)», — теб айди. Ҳар неча беклар ман қилдилар, қабул қилмади. Уч кунлик ердин илғор солиб, бехабар ётғон лашкарининг ичинга иниб келди. Ўрус подшоҳи боса олмай, подшоҳини тутдилар. Лашкарининг ўлтурганин ўлтурдилар, қолғонин ясир қилдилар. Чандон молу яроғ, жибажавшан (совут-қалқон) тушуб эди, ҳеч ҳисоби ва китоби йўқ эрди. Аммо Шайбонхон ҳукм қилдики: «Ҳар мол ва яроғки, ҳар кишига тушубтур, дастёби олиб қолмасинлар, барчасин келтурсинлар». Айтурлар, ҳар жинсдин бир хирмон қилдилар: беҳисоб хирмон бўлуб эрди. Икки кундин сўнг хон етишди, бу фатҳу нусратни кўрди. Бу мол-яроғларни барчасини келтириб чекдилар. Бисёр хушҳол бўлиб, Шайбонхонға кўп офарин қилдилар. Андин сўнг Шайбонхонки, келиб кўрунишлар қилди эрса, кўп турлик иноят ва шафқатлар қилиб, суюрғоллар инъом этди. Тушган молу яроғнинг барисини Шайбонхонға суюрғол қилиб, барисин ўз лашкарига бахшиш қилди. Тонгласи кўчиб Маскав вилоятиға бориб кирдилар. Бир неча ой анда бўлуб, вилоятнинг ишин-кучин забту рабт қилиб, мол-хирожин қабул қилдириб, доруға-ҳокимлар қўйиб музаффар ва мансур ўз вилоятинға қайтдилар. Басе, булар қайтиб келгунча Эжонхонни навкарлари эясига (эгасига) осий бўлиб, Эжонхонни тамом ўғлонлари бирла ўлтуруб эрди. Бу хабарки Сойинхонға келди, улуғ мусибат тутди. Эвига (уйига) тушиб об-ош бергандин сўнг черик яроғини қилиб бу ёғий устинга юриди. Булар ҳам туруш бермай, улуғлари қочди. Ўзга эл-куннинг барчасин кўчириб олиб келиб ўз элига қўшди. Тақи ҳар аймоқни бир бекка қўшун берди...

Басе Сойинхон бу вилоятлар била бу элларники забт қилди, андин сўнг барча қариндошларинға эл-кун бериб, ер-юртлар тайин қилди. Аммо Шайбонхонға эл-кун берур, вилоятлар берур чоқида беклари бирла кенгашди эрса, беклари айди: «Бу киши бисёр улуғ иш қилди. Ҳоло мунинг кўнгли ўсиб турур. Мунга эл-кун, вилоят бериб ўз қошингда сақламоғинг ўхшамағай. Ул ўттиз минг кишига яқинни анга айирдинг, ул кишини яна лашкар қўшиб боқмағон (тобе бўлмаган) вилоятларга юборгил. Ҳар не вилоятки, боқдурса, анинг бўлсун». Бу сўз хонға маъқул келиб ул тобун қилғон ўттиз минг кишига яна ўн минг қиёт юролдайни қўшиб Қирим — Каффа вилоятлариға салғаб юборди.

**Давоми бор**


# XXI АСРГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

**●ҚАДРИНГИЗ ТИКЛАНИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?**
**●УМУМАН ҲАЁТДА ТИКЛАНИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?**
**«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!**
ЖАВОБ ТОПАСИЗ!



**— «Мен «Миллий тикланиш»ни доим ўқиб бораман. Шундан миллатимизни, йўлимизни ва ўзимни яхшироқ била бошладим, — дейди Фароғат Абдуллаева.**



ОВ БАРОРИДАН КЕЛДИ

## ДОНОЛАР БОЙЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИК ҲАҚИДА

**Кўпинча бадавлатликдан келиб чиқадиган нохушликлар камбағаллик келтирадиган азоблардан минг чандон ошиб тушади.**

* * *

Мол-дунё кишини улуғламайди ва камбағалликдан унинг даражаси пасаймайди.

* * *

**Дунёнинг ишлари: мол-дунё деганлар Дунё кетидан, Дунё эса Худо деганлар кетидан югуриб юрибди.**

* * *

Мол-давлат инсонийликни синашнинг бир воситасидир.

* * *

**Камбағалларнинг бойиб кетиши ва бойларнинг қашшоқлашувининг бирдан-бир боиси шуки, очлик пулни тежашга ўргатади, бадавлатлик эса уни совуришга ундайди.**

* * *

Бойликдан кеккаймаслик унчалик қийин эмас, бироқ камбағалликдан нолимаслик ўта мушкулдир.

* * *

**Инсон бойиса, ўзини унутиб қўяди, қашшоқлашса, ўзгалар уни унутиб юборади.**

* * *

Уч нарса, айниқса, мудҳишдир: ёшликда камбағаллик, сафарда бетоблик ва муҳтожликда қарз.

* * *

**Шуниси ажабланарлики, дунёда бадавлат инсонлар ўзгалардан кўра пулга кўпроқ муҳтож бўлишар экан.**

* * *

Мол-давлат йиғиш эмас, балки уни ноўрин сарфлаш одамларни ҳалокат жарлигига етаклайди.

**Тўпловчи: ШАРОФ МИРЗАЕВ**

## «...ЎША ОЛМАХОНИМСАН!»

*Тикланиш санъаткорлари*

**«Яшаш ошиқликдир», — дейди Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Олмахон опа Ҳайитова.**

**— Олмахон опа, болалигингизда кўпроқ хаёлингизни санъаткор бўлиш орзуси банд этганми ёки асл муҳаббатга эришиш?**

— Жамалак сочларимга толбаргаклар тақволиб, қадимий Хонқанинг тупроқ кўчаларини чангитиб ўйнаб юрган қизалоқлик пайтларимни соғиниб эслайман. Ўша пайтлари ҳам қўшиқлар хиргойи қилиб чарчамасдим, тенгқурларим билан эрта тонгдан сигирларни ўтлатишга кетаётиб ҳам қўлимдаги таёқни рубобдай ўйнатиб, лапар айтиб юрардим. Бу ҳаракатимни кўриб ўртоқларим ўйин қилиб кулишар «Ҳали аёл деган рубоб чалиб қўшиқ куйламаган, ҳеч ким қилмаган ишни сенга ким қўйибди? — дейишарди.

Оқ-қорани таний бошлаганимдан буён санъат дарди қалбимни оловлантиради. Санъат менинг буткул ҳаётимга, умримнинг мазмунига айланди. Не бахтки, ишқ-муҳаббатни ҳам менга санъат ато этган.

**— Қандай маънода?...**

— Жуда оддий маънода. Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов, Назира Юсупова каби машҳур санъаткорлар назарига тушганимдан кейин катта-катта саҳналарда қўшиқ айта бошладим. 1957 йилда ўрта мактабни тугатиб, Комилжон ака Отаниёзовнинг таклифи билан пойтахтдаги «Хоразм» ансамблига келиб иш бошладим. (Агар у зотнинг эътиборига тушмаганимда, билмадим, қачонгача туманлараро ўтказиладиган велосипед, волейбол мусобақаларида иштирок этиб юрардим). Бу ерда Руслан Мадраҳимов деган чиройликкина, қаддибасти кўзни куйдургудай бир йигит чилдирма чалар эди. Бир кўришдаёқ бу малоҳатли йигит юрагимда ўрнашди-қўйди. Ўша пайтлари Ўзбекистонда тор чалиб қўшиқ куйловчилар ғоятда кам бўлгани учунми, мени кўпгина тадбирларга олиб кетишарди. Шундай пайтларда «Руслан ёнимда чилдирма чалса, жўнатган жойингизга бораман» деб турардим. Тақдирнинг нурли туҳфасини қарангки, Руслан билан юлдузимиз муносиб келиб, турмуш қурдик. Мана, 39 йилдан буён тинч-тотув, бахтли даврон гаштини сураяпмиз.

**— Умр йўлдошингизнинг ҳуқуқ соҳасига ўтиб кетганлиги санъатни тарк этиш бўлиб туюлмайдими сизга?**

— Русланбек оғам ҳеч қачон санъатни тарк этган эмас. У ҳозир ҳам санъатга муҳаббат билан қарайди. Унинг фикрича, санъаткорлик касб эмас, балки иқтидор ва талантдир. Бунга гоҳо ўзим ҳам қўшилишга мажбур бўламан.

**— Куйлайдиган қўшиқларингиз юракка ажиб туйғулар бахш этади. Айтинг-чи ишқ ҳақида куйлаётган дамлар нималарни ўйлайсиз?**



— Муҳаббат мавзусида қачон ва қаерда куйламай, аввало бу туйғунинг муқаддаслигини ҳис қиламан. Уни оёқости қилиб, топтаб кетувчиларни кечириб бўлмас. Аслида муҳаббат, у қандай кўринишга эга бўлишидан, яъни мажозий ва илоҳийлигидан қатъий назар, эъзозланиши лозим.

Биласизми, баъзи қизлар санъатга муҳаббатим чексизлиги учун уйдан қочиб, шаҳарга келдим деб юрадилару, тўй-томошаларда ўша муҳаббатини бир четга суриб шарм-ҳаёсизлик қилишгача борадилар. Муҳаббат шундайлар қўлида буюмга айланиб қолмасин, илоё.

**— Санъатга бўлган муҳаббатингизни оилага, турмуш ўртоғингизга бўлган муҳаббатдан айро тасаввур қила оласизми?**

— Санъат ва оилага муҳаббатим муштарак маъно касб этади. Ҳеч қачон тўй-томоша деб болаларимни қаровсиз қолдирган эмасман. Ўғлим Санъатни концертга кетаётиб, йўлда Урганч шаҳридаги катта кўприкка етганимизда туғиб қўйганман. Жажжи чақалоқларимни жомадонларга солволиб олиб юрардим. Бу санъатсиз бир кун ҳам яшолмаслигимдан бўлса керак. Бироқ оила, фарзандларсиз ҳам бир кун туролмайман.

**— Ҳақиқий муҳаббатга эришиш учун нима қилиш керак?**

— Оллоҳдан куч ва имкон, висол ва бахт сўрайвериш керак. Ҳар бир инсон астойдил, чин кўнгилдан сўраса, севса, Яратган ҳам «ол, қулим» дейишига ишониш керак.

**— Фарзандларингизнинг муҳаббатга бўлган муносабатидан қониқасизми?**

— Уларнинг муҳаббатида оддийликдан кўра романтик юксак орзулар кўп бўлса-да, ҳавас қиларли даражада. Ўғил-қизларим ўз оилалари билан тинч-аҳил яшаётганидан қувонаман. Қизим никоҳни қайд қилиш идорасида ишлаётгани боис қайсидир маънода муҳаббатшунос бўлиб қолган...

**— Олмахон опа, ҳадемай олтмиш ёшни ҳам қаршилайсиз. Севги ҳам инсон ёши сингари кексайиши мумкинми?**

— Севги кексайишидан худо сақласин. Кейинги пайтларда бу ҳақда кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Яшашнинг қизиғи — ишқ, висол, ошиқликда экан. Агар шу нарсаларнинг қадри тушса борми, инсонни ҳаёт билан боғловчи ип узилди, деяверинг.

Яқинда Русланбек оғамга, ҳадемай олтмиш ёшга ҳам қадам қўяман деганимда, у киши: «Сен менинг учун ҳали-ҳануз ўша ўн саккиз ёшли, қалам қошли, ҳаммани булбулдай овози, қизил гулдай нози билан маҳлиё қилиб юрган ўша Олмахонимсан!» — дедилар. Кўзларимда ғилт-ғилт ёш айланди. У кишининг ёшимиз бир жойга бориб қолганида менга меҳр-муҳаббат билан қилаётган ошиқона муомаласи кўнглимни янада севгига тўлдириб юборди.

**— Ёшларга тилакларингиз?**

— Муҳаббатга кирар эшикни топсангиз, қайтар эшигини изламанг, кирди-чиқдилик ишқ-муҳаббатнинг кори эмас.

**— Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

**Суҳбатдош: Эрпўлат БАХТ**

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

## «СИРЛИ» МАЪЛУМОТ

### ёхуд «Еса ҳам, емаса ҳам, бўрининг оғзи қон!» деганлари ростми?

**● МУҚАДДИМА ●**

**Асло ҳайрон бўлманг, шубҳага ҳам борманг. Гапларимга ишонаверинг: бу кишини даҳшатга солувчи ўттизинчи ёки эллигинчи йилларнинг аянчли ҳикояси эмас. Аксинча, сизу биз ҳуқуқий-демократик жамият қуриш, ҳар соҳада қонун устиворлигини таъминлаш учун интилаётган бугунги куннинг энг оғриқли иллатларидан биридир. У яқиндагина — бундан бир йилча бурун рўй берди. Аммо асорати ҳали-вери битишига ишонч йўқ. Негаки, кимлардир ўйлаб топган атиги биттагина «сирли» маълумот бутун бошли оила ҳаётини батамом издан чиқарди. Унинг тинч-фаровон, гулдай турмушини росманасига ағдар-тўнтар қилиб юборди. Янаям аниғроғи, хонадон соҳиблари бошига битмас-туганмас ғам-кулфат, доғи осонликча аримас азоб-уқубат келтирди. Бир томондан баайни ғайрат-шижоатга тўлган 32 ёшли йигитнинг бахтига ногаҳон раҳна солди. Унинг соғлиги бемаврид йўқолишига, бу ҳам камлик қилгандай, узоқ муддатга қамалишига сабабчи бўлди. Бошқа томондан эса, икки норасидани тирик етимга айлантириб, ота меҳрига зор-зор йиғлатди. Ҳали ўн гулидан бири ҳам очилмаган жувоннинг кўз ёшларини қуритди. Шусиз ҳам куч-мадордан қолган чол-кампирнинг эгик қаддини янада баттар дол этди. Ака-укаларнинг, опа-сингилларнинг бошларини хам, юзларини шувут қилиб, ерга қаратди.**

**Алҳол, эл — кўзгу, халқ — тарозу, дейдилар. Ундан ҳеч нарсани яшириб ҳам, пинҳон тутиб ҳам бўлмайди. Кўпчилик бир нимани сезмаса-билмаса, ҳуда-беҳуда гапирмайди. Ана, исботи: содир бўлган воқеалар маҳалла-кўйда ҳайрату нафрат, қишлоқ аҳлида шубҳаю гумон уйғотди. Айрим одамлардаги ҳақиқатга ишончни йўқотди.**

**Ажаб, шунга қарамай, ҳар балога қодир ўша «сирли» маълумот ҳеч жойда ошкор этилмади. Ҳатто бир инсоннинг тақдири ҳал бўлаётган энг қалтис дамларда ҳам рўй-рост айтилмади. Уни милиция ходимларига аслида ким, қачон, қай мазмунда етказгани текшириб кўрилмади. Бирон-бир манбада қайд қилингани ёки қилинмаганига лоақал терговда ҳам, судда ҳам аниқлик киритилмади. Сабаби — у аввал-бошданоқ ўта сирли, ўта мавҳум эди. Буни қарангки, ҳали-ҳануз шундайлигича қолаётир. Чунки ушбу далилни холис текшириб, ҳаққоний баҳо берадиган мард инсон топилмаётир.**

### ЎЙНАШМАГИН АРБОБ БИЛАН...

Бу нохушликлар қайсар шамоли-ю меҳнаткаш одамлари ила машҳур Бекободда бўлиб ўтди...

Анъанавий «Қорадори» тадбирида қатнашаётган вилоят ва туман милицияси жиноят-қидирув бўлинмалари ходимларидан иборат тезкор гуруҳ бағоят ҳушёрлик кўрсатади. Ўтган йилнинг 14 сентябри кечқурун Сретенко қишлоғида яшовчи Азимжон Бектўраевни кўплаб миқдордаги гиёҳвандлик моддаларини сақлашда гумондор қилиб, туман ички ишлар бўлимига олиб кетади.

Эртаси ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 276-моддаси 2-қисми «А» банди билан жиноят иши қўзғатилади. Бироқ Азимжон ўзига қўйилаётган айбни қатъиян рад этади. «Кечаси берган тушунтириш хатим нотўғри. Уни милиция майори Эркин Саидов ўзи айтиб туриб, мажбуран ёздирди...» деб туриб олади.

Афсуски, ички ишлар бўлимида гумон қилинувчининг илтижоларига қулоқ тутадиган, дардига малҳам қўядиган одам топилмайди. Фақат ота-онасининг чор-атрофга зир югуришлари-ю адвокат Азиза Ғафурова билан туманнинг ўша вақтдаги прокурори Фарҳод Зуфаровнинг аралашуви туфайлигина, у тўртинчи куни шифохонага даволаниш учун ёткизилади. Айни чоғда, муштумзўрликда шубҳа қилинаётган милиция ходими устидан ҳужжатлар тўплаш бошлаб юборилади. Шу орада ҳали жароҳати битмаган Азимжон сирли тарзда туман касалхонасидан чиқарилиб, қамоқхонага жўнатилади. Унинг иши вилоят ИИБ Тергов бошқармаси катта терговчиси Х. А. Язгулиев қўлига ўтади. У гўёки «Милиция билан ўчакишишнинг оқибати мана бунақа бўлади, оғайни!» дегандай, Азимжонга Жиноят Кодексининг бирйўла иккита — ҳам 25, 272-моддасининг 2-қисми, ҳам 273-модданинг 3-қисми «Д» банди бўйича айблов хулосаси эълон қилади. Туман прокуратураси эса, тўлиқ текшириш ўтказмай туриб, Эркин Саидовга нисбатан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Тамом-вассалом!

Қолгани бамисоли олдиндан фатво берилгандай, бир маромда, силлиққина кетаверади. Туман суди раиси Абдумавлон Шодмонов бошчилигидаги суд ҳайъати ҳам масалага жиддий ёндошмайди. Айблов хулосасида нималар битилган бўлса, ишни худди шу асосда кўради. Пировардида, 1999 йил 3 май куни А. Бектўраевни мол-мулкини мусодара қилиб, 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш юзасидан ҳукм ўқийди. Тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташликни белгилайди.

Кейинчалик иш вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибида кўрилади. Минг афсусларки, ҳайъат туман суди хатоларига етарли даражада эътибор бермайди. Бильакс, ўзи ҳам катта хатога йўл қўяди. А. Бектўраев айбидан ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми «Д» бандини асоссиз равишда чиқариб ташлайди. Маҳкум ЖКнинг 25, 272-моддаси 2-қисми билан тўғри судланган деган хулосага келади. Шунга мувофиқ, тайинланган 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини қолдиради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 апрелдаги амнистия тўғрисидаги Фармонини қўллаб, жазонинг ўталмай қолган қисмини тўртдан бир ҳиссага қисқартиради. Ана шу хусусда ноқонуний ажрим чиқаради.

Турган гап, ота-она ота-оналигига боради. Мавлонқул ака билан Ойша опа фарзанд ғам-ташвишида елиб-югуради. У ҳибсга олинган илк кундан эътиборан кўп остоналарга бош уришади. «Ўғлимиз хусуматга учради, ноҳақ жазога тортилди», дея арзи ҳол қилишади. Чўкаётган одам хасга ёпишганидек, катта-кичик қонуншунослару амалдорлар ҳузурига киришади. Ҳамма умидлари пучга чиққач, гардкамига иш тутишади. «Чиқмаган жондан умид» нақлига амал қилиб, бизга мурожаат этишни лозим топишади.

Алқисса, шу йил май ойида Азимжоннинг волидаи муҳтарамаси Ойша Бектўраева номидан битилган хат таҳририятимизга келиб тушди.

### МАНА, У: ХАСТАИ БЕМОР — ОНАИЗОР МАКТУБИ

*Ҳурматли «Миллий тикланиш» ходимлари! Сизларга йўллаётган ушбу мактубимни кўзимда нам, дилимда ғам билан қоғозга тушираяпман. Хўрлигим келганидан, ҳол-мажолим қолмаганидан ҳасратларимни қизимга айтиб туриб ёздираяпман...*

*Мен муштдайлигимдан далада ўсдим. Умрим бўйи пайкалдан чиқмадим, ҳалол ишладим. Кези келганида, этагимда бола билан шомга қадар кетмон чопдим. Ишқилиб, кам бўлмадим. Бахтимни ҳам, толеимни ҳам меҳнатдан топдим. Чолим билан тинч-тотув турмуш кечирдим. Худога шукур, 3-4 та эмас, 7-8 та эмас 11 фарзандга она бўлдим. Уларни бировдан кам ҳам, ортиқ ҳам қилмай вояга етказдим. Ҳамиша ҳалол-пок ва тўғрисўз бўлишга ўргатдим.*

*Вақти соати етиб, қиз чиқардим, ўғил уйлантирдим. Ҳаммасини уйли-жойли қилдим. Бироқ эндигина оёғимни бафуржа узатиб, норғул-ўктам болаларимнинг, ширин-шакар невараларимнинг орзу-ҳавасини кўраман деганимда, бошимга оғир ташвиш тушди. Биз билан бирга яшайдиган кенжам Азимжон хусумат балосига учради. Милиция ходимлари Азимжон йўқлигида ўзлари топишган, аллакім қасддан томорқамиз боши маккажўхори ичига қўйиб кетган ярим қоп наша баҳонасида уни олиб қамаб қўйишди. Уйдан ўз оёғи билан юриб чиқиб кетган, соппа-соғ боламни майиб қилиб қўйишди. Кейин уч-тўрт кундан сўнг эса, ножўя кирдикорларини хаспўслаш мақсадида уйимизда қайта тинтув ўтказишди. Бизнинг ва холисларнинг кўз ўнгида ўзлари ерга наша ташлаб қўйиб, уни гўёки Азимжоннинг костюми чўнтагидан чиққандай қилиб хатлашди.*

*Шу-шу, ўғлим уйга қайтмади. Аввал туман касалхонасида, сўнг қамоқхона шифохонасида узоқ вақт даволанса-да, соғлиги асл ҳолига келмади. Уни бу кўйга солганлар жазосини олмади...*

*Бизнинг бутун умидимиз бўлажак суддан эди. У мустақил иш юритади, оқни оққа, қорани қорага ажратади, деган ўйда эдик. У ҳам адолат қилмади. На-да бизнинг, на-да Азимжоннинг оҳ-зорига эътибор бермади. Масалага ойдинлик киритиши мумкин бўлган холислару гувоҳлардан айримларини чақирмади. Сўроқ берганларнинг ҳаққоний кўргазмаларини инобатга олмади.*

*Мен-чи? Чолим-чи? Ўғлимизни кутишга бардошимиз етармикин? Ёшимиз бир жойга бориб қолган бўлса, иккимизга Азимжонни ўз бағримизда кўриш насиб этармикин? Бунисини энди ёлғиз Худога аён!*

*Биз содир бўлган адолатсизликлардан не-не идораларни вақтида огоҳ этдик. «Бир йигитнинг ҳаёти барбод бўлмасин, ёрдам беринглар, ҳақиқат қилинглар», дея ялиниб-ёлвордик. Аммо натижа чиқмади. Улар шикоятларимизни ҳар гал текшириш ва чора кўриш учун айлантириб-ўргилтириб, Бекободга юбораверишди. Бу ердагилар эса, ишни ёпди-ёпди қилаверишди. Бизга ҳам, юқори ташкилотларга ҳам бир хил, жавоблар қайтаравеpишди. Эътироз билдириб қабулларига кирсак, баъзилари ширин сўзлару насия ваъдалар билан кўнглимизни кўтаришди, баъзилари эса арзимни тингламади.*

*Ҳолбуки, она юраги нозик бўлади. У бошқалар илғамаган, ҳис этмаган нарсаларни ҳам сезади. Мен ўғлим бегуноҳлигига ишонаман. Уни хусумат ва туҳмат қурбони бўлди, деб биламан. Қилғиликни қилганлар вақти келиб қонун олдида, ҳеч бўлмаганда, виждонлари олдида ҳисоб беражакларига ишонаман.*

*Хуллас, эндиги илинжим матбуотдан. Сизлар шундай қутлуғ йилда — Аёллар йилида бошига мусибат тушган, фарзанди доғида куйган онанинг дард-ҳасратларини диққат билан ўқиб чиқарсизлар, адолат қарор топиши йўлида кўмаклашарсизлар, деган умиддаман...*

***Ойша БЕКТЎРАЕВА,***
***Бекобод тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги.***
***1999 йил 17 май.***

### БОШ МУҲАРРИР ТОПШИРИҒИ

***Текшириш учун!***

***«МТ» масъул ходими Абдунаби ҲАЙДАРОВга.***

***Ушбу шикоят хати асосида журналист текшируви ўтказишингизни, ҳақиқий аҳволни батафсил ўрганиб ва таҳлил этиб, натижаси ҳақида ахборот беришингизни сўрайман.***

***Бош муҳаррир И. ҒАФУРОВ***
***1999 йил 24 май.***

### ҚАЙ БАРМОҒИМНИ ТИШЛАЙ?..

Яширмайман, бу мавзуга қўл уришдан олдин анча иккиландим. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди.

Биринчидан, шикоят хатининг давомида Азимжон ҳибсга олингандан то ҳукм чиққан кунга қадар — қирқ ҳафта мобайнида кечган савдолар бирма-бир баён этилганди. Уларни қонунбузарликда, инсон ҳақ-ҳуқуқини поймол этишда айблаганди. Эҳтимол, онаизор алам устида сал аччиқ гапларни айтиб юборгандир, эҳтимол, аёллигига бориб, воқеаларни бир оз бўрттириб кўрсатгандир. Аммо, нима бўлгандаям, бир нарса аниқ: ишда хатога йўл қўйган қонуншунос ҳеч вақт ўз айбини осонликча тан олмайди. Уни бўйнидан соқит қилиш учун минг бор тартиб-қоидани рўкач қилади. Мен буни яхши биламан.

Иккинчидан, журналист аҳли учун ўзи туғилиб-ўсган юртдан танқидий мақола ёзиш энг катта азоб. Чунки у қаерда, ким бўлиб ишламасин, барибир, ўша туман ёки шаҳар фарзанди ҳисобланади. Қолаверса, эрта-бир кун ҳамюртлари билан муқаррар учрашади. Шунда кўз кўзга тушади. Кимдир уни хушнуд қарши олади, кимдир лабини қимтиб қўл узатади.

Не қилайки, бу мактуб бир вақтлар ўзим ишлаган тумандан, яна денг, айнан болалигим ўтган қишлоқдан келганди. Уни мурғаклигимдан менга яхши таниш кекса онахон ёзганди. Демак, битта қатъий хулосага келишим мумкин: Ойша опа минг бир истиҳолага борган. Ахийри, мени қора тортиб, таҳририятимизга шикоят йўллаган. Бундай кезларда ҳар қандай журналист ҳам ҳамқишлоғининг, айниқса, сочи оқарган аёлнинг дардига бефарқ қаролмаслиги, жим туролмаслиги тайин.

Учинчидан, Азимжон билан боғлиқ можароларни аввалроқ орқаваротдан эшитгандим. Қишлоққа борганимда, «Мавлон аканинг томорқасига кимдир наша ташлаб кетганмиш. Милиция ходимлари уни Азимжоннинг бўйнига қўймоқчи бўлишганмиш. Азимжон ҳозир касалхонада ётганмиш», деган узунқулоқ миш-мишлардан хабар топгандим. Булар Азимжон шифохонада қандай хасталик билан даволанаётганини ўз кўзлари билан кўрганлардан чиққан гаплар эди. Мен эл оғзига элак тутиб бўлмаслигини яхши тушунардим. Шундай эса-да, «Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди. Азимжонни бекордан-бекор олиб кетишмагандир», деган мулоҳазага боргандим. Лекин кунлар ўтиб-ойлар ўтиб, қачонлардир бу иш билан ўзим ҳам шуғулланишимни мутлақо хаёлимга келтирмагандим.

Бердисини айтсам, олдимда икки йўл турарди. Бармоғимнинг унисини тишласам ҳам, бунисини тишласам ҳам, бирдай оғриқ берарди.

Ўйлай-ўйлай, биринчи йўлни танладим. Шу асно мени аҳдимдан қайтаришга уринганлар ҳам топилди. Айримлари очиқдан-очиқ, «Беҳуда овора бўласан, барибир, ҳақиқатнинг тагига етолмайсан», дейишди. Қай бирлари «Ўзингга ўзинг ғалва орттириб нима қиласан? Ундан кўра отанг, ака-укаларинг, қариндош-уруғларинг шу қишлоқда яшашини ўйласанг-чи», деб кўнглимга ғулғула солмоқчи бўлишди. Табиийки,

*Журналист текшируви*

мен уларга Матбуот ва журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида қонунлар борлигини эслатдим.

### «ЮҚОРИ»ДАН РУХСАТНОМАМ ЙЎҚ ЭДИ-Ю, АММО...

Шу зайл ишга киришдим. Дастлаб Бектўраевлар хонадонида бўлдим. Уларнинг томорқасида ҳамда уйида ўтказилган кўздан кечириш ва тинтув жараёнларини амалда синаб кўрдим. Баъзи гувоҳлару холислар билан суҳбатлашдим. Зарур ҳужжатларни тўпладим.

Навбатдаги сафарим чоғи судда қораловчи сифатида қатнашган туман прокурори ўринбосари Ф. Имомов билан учрашдим. Таассуф, мулоқотимиз бошиданоқ қовушмади. У гапнинг лўндасини айтиб қўя қолди: «Мен ўз фикримни судда билдирганман. Қонун талабларидан келиб чиқиб хулоса берганман. Ҳукм тўғри чиқарилган. Баски, сиз билан бу масалани муҳокама қилмайман. Қандай саволингиз бўлса, марҳамат, юқори прокуратура органларига мурожаат қилинг».

Начора, юқорига бўлса, юқорига-да!

Кейинги гал туман ҳокимияти биносидан туриб суд раиси Абдумавлон Шодмоновга қўнғироқ қоқдим. Жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиш ниятида эканлигимни айтдим. Тағин ўша ҳолат такрорланди. Суд раиси дебочасига «Бунинг учун юқори ташкилотлардан рухсатингиз борми?» — деб сўради. Мен ҳам эринмадим. Таҳририятимизга шахсан унинг ўзи кўрган жиноят иши бўйича шикоят тушганини, шу асосда журналист текшируви олиб бораётганимни, қонунга биноан, ҳукм ўқилгач, мухбир жиноят иши ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқига эгалигини ҳижжалаб тушунтирдим. Ниҳоят, симнинг у томонидан хуш садо эшитилди: «Майли, бўлмаса, сиз келаверинг. Мен унгача юқоридан маслаҳат сўраб кўрай-чи...»

«Юқоридан рухсат» бўлган чоғи, раис мени очиқ чеҳра билан кутиб олди. «Дело»ни ҳеч иккиланмай қўлимга тутқазди. Иш ҳужжатлари билан танишганим сайин кўп нарсалар менга ойдинлаша борди...

Орадан анча кунлар ўтиб, текширув хулосаларини умумлаштирарканман, холислардан бири — уруш ва меҳнат фахрийси Абдуқодир Жумановнинг гаплари негадир бот-бот ёдимга тушаверди. У оппоқ бошини сарак-сарак қилиб шундай деганди:

— Мен тўридан кўра гўри яқинроқ одамман. Шу ёшимда ёлғон сўзлаб нима ҳам қилдим. Азимжон ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда униб-ўсган меҳнаткаш, одобли бола. Унга жабр бўлди. Қўлингдан келса, вақтингни аяма, ёрдам бер. Бу савоб бўлади, ўғлим, уқдингми, катта савоб!..

**Давоми келгуси сонда**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0840.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 9.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Шерали НИШОНОВ*